



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

# ДОСТГА


• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 8 июль, пайшанба • 28 (3556)-сон



Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси  
жамиятни, ҳар қандай мұхитни  
авваламбор аёл обод этади.

И. КАРИМОВ.

## ЖАМИЯТ ФАОЛЛИГИ АЁЛ БИЛАН



Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг амалий ижроси борасидаги материал билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Аёл ишласа,  
эркакнинг иши юришмайди,  
Аёл кулса,  
эркакка иш қолмайди.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА  
ИЧИДА

3

10 ТОННА  
СЕЛИТРА  
АСРАБ  
ҚОЛИНДИ

13

ЗАРАРЛИ  
ЕГУЛИҚДАН  
ЭҲТИЁТ БУЛИНГ!

14

ПАРОКАНДА  
БЎЛГАН  
ОИЛА

15

ҲАМКАСБИМIZНИНГ  
ЯНГИ КИТОБИ

ТАЛВАСА

16



«Моетда» давлатавийнг ҷоонали  
**UCHINCHI OLAM**

HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET YARABI ART

**Мехр-оқибат бор бўлсин!**

## ЧУҚУР ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

Шу йил 28-30 март кунлари пойтахтимизда, Тошкент ҳамда Буҳоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари дунё ҳамжамиятини жунбушга келтириди. Ушбу тажовузларда ички ишлар ходимлари жасорат, матонат намуналарини намоён этишиди. Юртимизнинг бир гурӯҳ фидойи ўғлонлари хунрезликларнинг курбони бўлишиди. Уларнинг жасорати газетамиз орқали юртдошларимиз эътиборига етказилди. Газетхонлар ҳалок бўлгандар, яраланганларнинг тақдирiga бефарқ эмасликлари, эл тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун жонларини фидо этгандарнинг хотираси абадий эканлигини ўз хатларида маълум қилишага. Куйида Қашқадарё вилояти, Якабог тумани, Ў. Мирзаев жамоа ширкат хўжалигидаги истиқомат килювчи Пардаевлар томонидан Кибрай тумани ИИБ ЖК ва УЖККБ тезкор вакили милиция катта лейтенанти Азизжон Турсуновнинг оиласига йўлланган мактубини ҳавола этмоқдами.

“Ассалому алайкум! Биз аввало, оилангиз бошига тушган мусибат тифайли чукур таъзия иззор этамиз. Ота-онанинг ўз фарзандини йўқотишдек оғир дардга чидаши нечоғли қийинлигини хис этган ҳолда сизларга Яратдан сабротат ва бардош тилаймиз. Бўлиб ўтган фожиалар ҳақида хабар топгач, бутун оила газоларимиз билан қайғуга ботдик. Террорчиларга нисбатан нафратимиз ошиб, уларни лаънатладик. Мен 18 ёшга кирдим. Азизжон аканинг кўрсатган мардлиги олдида таъзим қиламан. Шундай йигитни тарбиялаб, вояга

етказган, билим берган, Ватани, ҳалқини севищдек муқаддас туйгуларни юрагига сингдира олган сиз азизларга катта раҳмат.

Шу пайтгача ҳаёт йўлимни ташлашда иккиланаётган эдим. Азиз аканинг мардлиги руҳлантириб юборди ва мен ҳам келгусидаги улар сингари жасур инсон бўлиш, ҳарбий ҳизматдан сўнг ўзимни шу касбга багишашига аҳд қилдим. Яна бир бор Азизжон акамнинг отонаси, қариндош-уругларига оиласигиз номидан сабр-қаноат ва бардош тилайман.

Мехридин ПАРДАЕВ”.

«Фалла – 2004»

## СИРДАРЕЛИКЛАР МАРРАДА

Вилоят дехқонлари давлатга дон топшириш йиллик шартномавий режасини ошириб адо этдилар. Фалла экиладиган майдонларни шудгорлаш, ўғитлаш, ург сепиш ва парваришилаш ишларининг ўз вақтида, сифатли бажарилгани боис мўл ҳосил етиширилди. Фалла экиладиган майдонлар пайхон бўлишига йўл қўймаслик, мавжуд техника воситаларининг бир маромда ишлаши ички ишлар ходимлари назоратида бўлди.

Ўрим-йигим олдида комбайн, дон ташувчи машина, тракторларнинг созлиги қайта текширудан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди, жойларда амалий ёрдам кўрсатиш давом этмоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари дала, хирмон, қабул пунктла-



рида доимий навбатчилик ташкил этиб, назорат ишларини кучайтирилар.

Ризқ-рўзимизни нобудгарчиликсиз, талон-торож ва ташмачиликка йўл қўймай қабул пункларига етишиб олишда ҳам ички ишлар ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Жойларда куну-тун ҳаракатдаги гурухларнинг назорати ташкил этилгани учун ҳам ташмачиликка йўл қўйилмади.

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ташминлашда мавсум олдидан тузилган режалар асосида олиб борилган ишлар кўл келмоқда. Ҳосил ташувчи транспорт воситалари бир маромда ҳаракат қилиши учун йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари фермер хўжаликлари, автокорхоналар ҳайдовчилари билан қўшимча машғулотлар ўтдилар, ҳар қандай автоҳалокатларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Шу ўринда мавсум масъулиятини чукур хис этиб, намунали хизмат кўрсатаётган турли хизматларнинг вакиллари – милиция капитани С. Фофуров, милиция катта лейтенантлари К. Обидов, О. Бозоров, милиция катта сержантлари З. Шаропов, Л. Кувонов, Э. Ҳасанов, А. Усмонов ва бошқарларнинг номларини қайд этиб ўтиш жоиз.

Ҳосил ўрим-йигими давом этмоқда. Далалардаги доннинг охирги мисқоли қолгунича ҳаракат тўхтамайди. Ички ишлар ходимлари ҳушёрликни бўшаштиримайдилар.

Мурод АЛИМОВ,  
милиция майори.

Суратда: фалла ўрим-йигими даврида ички ишлар ходимларининг фаолияти акс этган.

Икром ЖОНЗОҚОВ олган сурат.

## ДОН ХИРМОНГА ЕТИБ БОРАДИ

Пешона тери эвазига етиширилган фаллани тез ва талон-торож қилинишга йўл қўймай ўриб-йигиб олиш, турли сунистеъмолчиликларга йўл қўйилмаслини ташкиллаштириш ва назорат қилиш борасида, вилоят хокимлиги томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларда ички ишлар идоралари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни тўла тўқис ва ўз вақтида бажариш махсадида, вилоят ИИБ томонидан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хозирда ички ишлар ходимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, тадбирга жалб қилинган куч ва воситаларни юзага келган вазиятдан келиб чиқсанда ҳолда тезкор бошқариш, кундаклик маълумотларни умумлаштириш ва тахлиллар асосида келгуси вазифаларни белгиловчи махсус ишчи гурухлари фаолият юритяпти.

Вилоят бўйича 94 та назорат маскани ташкил этилган бўлиб, уларга ички ишлар ходимлари, алоқа ва транспорт воситалари биринтирилган.

Вилоят ИИБ ЙХХБ, ППХ ва ЖТСБ, ЁХБ ходимлари томонидан фалла мав-

сумида ҳаракат хавфсизлигини ташминлаш, йўл-транспорт ходисалари ва ёнгин чиқишининг олдини олиш мақсадида барча фалла экилган туманларда ҳўжаликлар раҳбарлари иштирокида иғилишлар ҳамда сұхбатлар ўтказилмоқда.

“Тошкенттавтойўл” йўл-қурилиш худудий шўъба ташкилотининг туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари тасарруфида бўлган автомобиль йўлларида 128 та йўл белгилари ўрнатилди, яроқсизлари эса алмаширилди, огохлантирувчи устунчалар қўйилди. 1200 кв. м. йўл катнов қисмидаги майда чукурчалар таъмирланди.

Фаллани ташиш даврида унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида турли ташвиқот, тарғибот қилувчи ва огохлантирувчи лавҳалар тайёрланди, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди. Тадбирга маҳалла посбонларини жалб қилиш чоралари кўрилди.

– Кенг миқёсда профилактик ишлар амалга оширилишига қарамай баъзи нопок инсонлар етиширилган фаллани

ўғирлаб, ташмачиликка кўл урмоқдалар, – дейди “Фалла-2004” штаби ишчи гурухи раҳбари, милиция майори Р. Абдураҳмонов – Бекобод тумани “Найман” фермер ҳўжалиги раҳбари Б. Холқўзи “Бекобод-ун” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан давлатга галла сотиш шартномасини тузиб, 12 тонна буғдой сотиш мажбуриятини олган эди. Лекин давлатга фалла сотиш шартномасини бажармай туриб 984.000 сўм бўлган 12 тонна буғдойни ўз уйига олиб боргани аниқланди.

Пскент тумани Х. Қодиров ширкат ҳўжалиги ишчиси, Абдунаби шу ҳудудда ҳеч қандай ҳўжжатсиз 100 кг буғдойни олиб кетаётгандага профилактика инспекторлари томонидан ушланди. Унга нисбатан туман суди томонидан 5440 сўм жарима солинди.

Ризқ-рўзимиз бўлмиш фалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йигиштириб олишда жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини ташминлаш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,  
Тошкент вилояти.

Осойишта маҳалла обод бўлади

## ЭЛЛИКҚАЛЪА ПОСБОНЛАРИ

Я. Примов ва Ю. Худойбергановларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.



– Шаҳарда бешта маҳалла мавжуд бўлиб, уларда ўн олти мингдан зиёд аҳоли яшайди. Милиция лейтенантлари Султонмурод Алламберганов, Куролбой Шегабаевлар ўзларига биркитил-

ган ҳудудларда хизматни бекаму кўст адо этишмоқда. Вазият таъкоzo этган пайтларда кўшимча кучлардан ҳам фойдаланамиз. Масалан, ёрдамчи инспектор, милиция сержантини Мансурбек Абдалов бу борада катта ёрдам беряпти, – дейди профилактика катта инспектори, милиция капитани Рашид Алламов.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, дейдилар. Фаоллар билан яқин алоқа ўрнатган элликқалълик осойишталик посбонларидан аҳоли ҳам мамнун.

Дурдибай ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: Элликқалъа тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани Рашид Алламов маҳалла фаоллари билан.

Муаллиф олган сурат.

Огоҳлик – давр талаби

## «ОҚ ЙЎЛ» ФОЛИБ

Йўл-ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, болалар ўртасида тез-тез учрайди. Бундай ҳолларда кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун Хоразм вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Янгиариқ туманидаги 24-мактабнинг “Йўлчирок” ва 15-мактабнинг “Оқ йўл” гурухлари ўртасида ташкил этилган “Яшил чироқ” мусобақаси ҳам ана шундай мақсаддаги ишлардан бири ҳисобланади.

Беллашувда фолиб чиққан “Оқ йўл” вакиллари вилоят босқичида ўз омадларини синааб кўришади.

Зарифбай ЭШЖНОВ,  
милиция майори.

## ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ

Андижон вилояти ИИБ ташаббуси билан “Оғусиз дунё сари” дастури доирасида ўтказилган ижодий танлов ниҳоясига етди.

Унда вилоятдаги маҳоратли журналистлар билан бир қаторда ҳаваскор қаламашлар ҳам иштирок этишиди. Танловда “Энг яхши бадий асар” йўналиши бўйича журналистлар Мушарраф Охунова биринчи, Мухаббат Отамираева иккичи, Зарифа Усмонова учинчи ўринларга лойик деб топилдилар. “Энг яхши публицист мақола” номинациясида Шуҳрат Абдуллаев, Ҳадича Фаниева ва Набижон Жалоловлар кучли учлини эгаллашди. Шунингдек, ёш ўсмир-болалар ўртасида ўтказилган “Энг яхши иншо”, “Энг яхши расм-плакат” йўналишлари фолиблари ҳам тақдирланди.



Андижон шаҳридаги “Наврӯз” ўйнгоҳида фолибларга мукофотларни Андижон шаҳар ҳокими А. Собиров ва вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковники Д. Оқмираевлар топширилди.


Азизхон БУЗРУКОВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Гуломжон РАҲИМОВ олган сурат.

"ЮКОС" нефть компанияси молиявий директори Брюс Мизамор сүнгги ой ичидә тўлланмаган солиқлар борасида Россия хукумати билан музакаралар олиб борилганини айтди. Аммо ўтган ҳафтада амалдорлар муносабатларини кескин ўзгартиришди. Энди улар муроносу мадора ҳакида тақлифларини эштишиш ҳам исташмаяпти.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## КОМПАНИЯ ИНҚИРОЗ АРАФАСИДАМИ?

Ўтган пайшанбада суд ижро-чилари "ЮКОС"нинг марказий офисига 2000 йил учун қисқа муддат ичидә 99 млрд Россия рубли тўланиши кераклиги тўғрисидаги қарор нусхасини олиб келишди. Молиявий таҳлилчилар концерн тез орада тўловга қодир эмаслигини эълон қилиши ҳақида тахмин қилишяпти.

"ЮКОС"нинг энг ийрик шульба корхонаси – "Юганскнефтгаз" ўзининг баъзи мулкларини сота бошлади. 14 июля бўлиб ўтадиган кимошди савдосига Украина гарбидаги "Гута" оромгоҳи кўйилади. Менежерлар буни ўз соҳаларига таалуқли бўлмаган мулклардан халос бўлиш, дея изоҳлашмоқда. Аммо мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий саба-

би компаниянинг иқтисодий қийинчиликларга дуч келганини дидир. Бошлангич нарх – "атиги" 1,8 млн АҚШ доллари концерннинг қарзи олдида денгиздан томчидай гап.

Мизаморнинг айтишича, компаниянинг ҳисоб рақамлари "хисбга олингандиги" авгууст ойидаёт қазиб олинаётган нефтнинг камайишига сабаб бўлиши мумкин. "ЮКОС"-нинг матбуот котиби Александр Шадрин эса бу кетишида концерн бир ой ичидә банкротга учраши эҳтимоли борлигини маълум қилди.

Россия Федерацияси Молия вазирининг ўринbosари Сергей Шаталов "ЮКОС" тегишили илтимоснома юборса, тўлов муддати орқага сурилиши мумкинлигини айтди.


**Филиппиндаги диний-экстремистик ташкилотларнинг кўпчилиги "Ал Коида"-нинг шохобчаси ҳисобланмиш "Жамоаи Исломия" хомийлиги остида иш кўришади. Бу АҚШ расмий доираларнинг хавотирланишига сабаб бўляпти. АҚШнинг Маниладаги Элчиси Фрэнсис Ричардоне ўз мамлакати мазкур оролларда ҳарбий иштирокини кучайтириш ниятида эканлигини билдириди. Америка ҳарбийлари Филиппин армияси жангчиларини содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга ўргатишади.**

## ШАРОННИНГ ҲАЁТИ ҲАВФ ОСТИДА

Исройл Жамоат ҳавфсизлиги вазири Йахи Ханегбининг фикрича, мамлакат Буш вазири Ариэл Шаронни ўлдирмокчи бўлган шахслар бор. Вазирнинг бу сўзлари Исройл телевидениесининг иккичи дастури орқали эшиттирилди. Котилликни араблар эмас, яхудий экстремистлари режалаштиришган. Ханегби ёрдамчиларнинг тасдиқлашича, унинг сўзлари таҳлилий хизматларнинг маълумотларига, жумладан, мамлакатда ўта ўнг кучларнинг фаоллашгани тўғрисидаги хабарларга асосланган.

Тайланднинг икки жойида парранда гриппи тарқалгани аникланди. Мамлакат Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги иккита марказий провинцияда сўнгги пайтларда бир неча минг товук қирилиб кетганини тан олди. Лаборатория текширувлари бунга тажовузкор штамм вируси сабаб бўлганини аниклади. Эсингизда бўлса, айнан шу вирус жорий йил бошида Осиё мамлакатларида миллионлаб паррандаларнинг қирилиб кетишига олиб келганди.

Хитойнинг Анхой провинциясида ҳам бу ҳавфли касаллик тарқалгани тасдиқланди. Мутахассисларнинг фикрича, вирусни кушлар олиб келган бўлиши мумкин.



## ЯНА БИР «ОМБОРХОНА»

Ингушетия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари яна бир қорол-яроғ яширилган жойни аниқлашди. Федерал қўшинлар томонидан йўқ қилинган Тангиевнинг уйидан 2 та Калашников автомати, 2 та РПГ-7 гранатамёти ва турли калибрдаги 2 мингга яқин патрон топилди. Чеченистаннинг Урус-Мартан туманида эса Доки Умаров тўдасига киравчи уч жангари қўлга олинди.

Ахборот агентликлари Шимолий Кавказдаги федерал қўшинлар гурухи тезкор штабидан олган маълумотларга қараганда, Грозний шаҳри четида портлаш юз берган. Бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлиб, яна бири яраланган. Чеченистан пойтахтининг бошқа бир туманида радио ёрдамида бошқарилувчи фугас портлаб, ҳарбий прокуратура ходими жароҳат олган.



## ИСБОТЛАШ ОСОН ЭМАС

Ирокнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайн устидан ҳадемай суд жараёни бошланади. Жараён қийин, мураккаб кечиши аниқ. Бу ҳақда Inter Press Service нашри ёзди. Чунки, биринчидан, Саддамнинг собиқ сафдошлари ўч олинишдан кўрқиб, унга қарши кўрсатма бермасликлари мумкин. Иккинчидан, айловчиларда ҳужжатлаштирилган далил-исботлар етишмаслиги эҳтимоли бор. Собиқ Президент гўёки қачондир суд килинишини билгандек, кўрсатмаларини оғзаки берган. Ёзишибизиш ишлари билан эса унинг қўл остидагилари шуғуланишган.

Унга нисбатан қўйилаётган асосий айб Эрон-Ироқ уруши чоғида 1988 йили Ҳалабиядда курдларнинг заҳарли газ ёрдамида қирғин қилинишидир. Ўшанда Ироқ шимолида бир неча минг одам ўлган эди.

**Буюк Британияда енгил самолёт ва вертолёт тўқишишб кетди. Авиаҳалокат Хартфордшир графлигидаги юз берди. Вертолёт кўнишга муваффақ бўлди. Самолёт эса ўрмонга қулаги тушди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлган.**

**Демократик партиядан АҚШ президентлигига номзод Жон Керри Пенсильвания штати бўйича сайлов олди сафари чоғида вице-президентлик лавозимига номзодликка Шимолий Каролина штатидан сенатор бўлган Жон Эдвардсни танлаганини эълон қилди.**

## ДЎҚ-ПЎПИСА ҚИЛМОҚДА


Чечен жангарилари етакчиларидан бири Шомил Басаев Ал Жазира телеканали орқали чиқишида энди оддий томошибинларни эмас, Россиядаги ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларини гаровга олиш ниятида эканлигини айтди.

Россия Федерал ҳавфсизлик хизмати таҳминига кўра Қабардин-Болқор ёки Догистонда бунга уринишлар бўлиши мумкин. Аммо мамлакатнинг марказий минтақалари ҳам ҳавфдан холи эмас. Масалан, Москвада бундай обьектлар талайгина.

Шимолий Кавказда аксилтеррор тадбирлари ўтказиш бўйича минтақавий штабнинг расмий вакили Илья Шабалкин Басаев бундай баёнотлар билан молиявий ҳомийлари олдида ўзини реклама қиляпти, деб жамоатчиликни тинчлантиримокчи бўлди. Бу дўқ-пўписаларни бутунлай асоссиз деб ҳам бўлмайди. 22 июнь кечаси террорчилар Назаран ва Қорабулоққа бостириб киришларидан олдин Аслон Масхадов энди унинг одамлари тактикани ўзгартиришлари, яъни партизанлик ҳаракатлари ўрни-

ни ҳарбий операциялар эгаллашини айтганди. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди.

Ҳозирда Басаев ўтган йили Чеченистонда президентлик сайловларини... симоб ёрдамида бузишни режалаштиргани маълум бўлди. Яқинда Чеченистан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига таслим бўлган жангарининг ёнидан 2,5 кг симоб топилгани бунинг тасдиғидир. Илья Шабалкиннинг сўзларига қараганда, Басаев террорчилар гурухи тузиб, унга ўзининг тансоқчилари бошлиғи ва Курчалой тумани ваҳҳобийлари амирини раҳбар этиб тайинлади. Улар юкорида айтилган 2,5 кг симобни қўлга киритиб, Гудермес шаҳри аҳолисини заҳарлаш учун ижрочига топширишди. Кўп ўтмай тўданинг ҳамма аъзолари йўқ қилингач, ижрочи ўз ихтиёри билан таслим бўлди.



Маълумки, жорий йилнинг 25 май куни Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони эълон қилинган эди. Куни кечаса республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

Биз республика "Маҳалла" жамғармаси раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиева ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлимининг бош мутахассиси Арофат Ибрагимовалар билан ушбу ҳужжат юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда уларнинг бу борадаги таклиф-мулоҳазалари ҳақида сұхбатлашдик.

# ЖАМИЯТ ФАОЛЛИГИ АЁЛ БИЛАН

– Хозирги кунда республикамида 9,5 мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари мавжуд, – дейди Арофат Ибрагимова. – Шундан 8200 дан кўпроғи маҳаллалар бўлиб, саккиз юзга яқин маҳалла раислари, 3300 нафардан ортиқ котиблар аёллардир. Ушбу гўшалардаги ишларнинг сезиларли қисми аёллар зиммасида эканлигини инобатга олсак, бу борада уларга нақадар катта масъулият юкландигани аён бўлади.

Шу давргача амалга оширилган ишлар таҳлили жойлардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятининг янада тақомиллаштиришга муҳтоҷлиги, аёллар меҳнатидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётгани ёки улар ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганини кўрсатди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарори талабларидан келиб чиқиб, биз, аввал, эътиборни ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратмоқчимиз.

Хотин-қизларни ижти-



моий ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси, биринчи галда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимларида хотин-қизлар иштирокини янада жонлантириш

ёрдамга муҳтоҷ қариялар, ногиронлар, бокувчисини йўқотган, ёлғиз фуқаролар ҳамда етим-есирлар ҳақида маълумотлар тўплаб, уларга қонун доирасида моддий ва маънавий ёрдам бериш йўлга кўйилди. Шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлар, энг яхши урф-одатларни оммалаштириш, инсонпарварлик, меҳр-муруват, қўшничлик удумларини шакллантириш кучайтирилди. Спорт турлари асосида "Софлом оила" каби мусобақалар ўтказиш анъанага айланганини ҳам таъкидлаш зарур.

– Соғлом оила ҳақида гап кетганда ёш йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, оиласарни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳам муҳтарама раисаларимиз зиммасидаги масъулиятли вазифалардан бирилигини айтиб ўтмоғимиз шарт, – дейа сұхбатни давом эттириди Гулнора Йўлчиева. – Хотин-қизлар кенгаши раиси ва фаоллар астойдил саъй-ҳаракат қилаётган маҳаллаларда

## Қарор ва ижро

ҳамда уларнинг саводхонлигини ошириш чоралирини белгилаб олди. Шу мақсадда худудий ўқув-семинарлар, "Маҳалла зиёси" ўқув маркази қошида курслар ташкил қилиниб, дастлабки қадамлар кўйилди.

Хотин-қизлар комиссияларининг раислари ҳамда кенгаш аъзолари ўзлари фаолият юритаётган худуддаги аҳволни тубдан ўрганиб, ночор оиласар,

## Худонинг марҳамати билан оиласи оила қиладиган – Аёлдир! И. КАРИМОВ.

нотинч оиласар, ажралишлар деярли йўқ. Ёшлар, вояга етмаганлар орасида ҳукуқбузарликлар учрамайди. Демак, жон куйдирив ишласак, қўлимиздан кўпнарса келади.

Қарор талабларидан

лар билан тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Мактаблар маъмуряятлари иштирокида битирувчи қизларни ўқиши, ишга жойлаштиришга яқиндан ёрдам беряпмиз.

– Маҳаллалардаги педагог-тарбиячи ўрнига диний маърифий ва маънавий-аҳлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимининг киритилгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари раислари зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди, – дейа ўз сўзида давом этди Г. Йўлчиева.

– Менимча, маслаҳатчи лавозимига тайинланадиган шахс урф-одатларимиз, динимизни яхши билиши, ҳаётий тажрибага эга бўлиши лозим. Ундан жамиятда рўй берадиган ўзгаришларни тўғри талқин қилиб, ёшларни салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, уларни ортидан эргаштира олиши талаб қилинади.

– Иш юритиш жараёнида шу пайтгача фаолиятимизга тўсиқ бўлиб келган айрим камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз деб ўйлайман, – деди Арофат Ибрагимова.

– Яъни, жойлардаги хотин-қизлар комиссияларининг ҳаммаси ҳам керагича жиҳозланган хизмат хонасига эга эмас. Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси амалга оширилаётган ишлар юзасидан маҳалла кенгашигагина ҳисбот бериши мақсадга мувоғиқдир. Ушбу вазифани бажараётган аёлларга саломатликларини тиклаш учун йилда бир марта сиҳатгоҳларга йўлланма бериш зарур. Шунингдек, транспортда юришлари учун белуп йўл чипталари, асосийси, мунтазам маош билан таъминланишса, нур устига нур бўларди (маҳаллалардаги 70 фоиз раиса аёллар жамоатчилик асосида ишлайдилар).

Зоро, уларнинг асосий вақти туман, шаҳар, вилоят ҳоқимларидаги йигилиш ва тадбирларда ўтади. Айтиб ўтилган муаммоларни бартараф этишнинг ягона йўли маҳалла хотин-қизлари билан ишлаш комиссиялари фаолияти бўйича намунавий Низом ишлаб чиқиш ва уни ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш, деб биламан. Ана шундагина бу соҳа фаолияти янада тақомиллашади ва зиммасидаги вазифаларни мукаммал уddyалаш имконияти юзага келади.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА**  
ёзб олди.

Суратларда: маҳалла хотин-қизлари билан ишлаш комиссиялари фаолиятидан лавҳалар



«Мостда» gazetasining ilovasi



# WUCHINCHENG ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVİYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET XABARLARI.

## Тақдир

Бу фирибгар аёлнинг асл исми Вонг-Шан. У 1920 йили Хитойда туғилган, ёшлигидан рақс билан шуғулланган. Вонг-Шан ўшандәёк нозик ҳаракатлари билан ажралиб турарди. Ўттизинчи ийларнинг охирларида раққосани Гонконг қовоқхоналарида ҳамиша мухлислар құршовида күриш мүмкін еди.

Бир куни унинг хонасига пўрим кийинган, ўрта ёшлардаги жаноб кириб, қызниң ҳусну латофатидан ақлини йўқотганини айтди ва қўлини сўради. Бундай такаллуф ёш Шанга ёкиб кетди. Айниқса, ошиғи кимсан-генералиссимус Чан Кайшининг қўлида хизмат қилишини эшитиб, қиз ўйлаб ҳам ўтирасдан бу таклифга рози бўлди.

Вонг хоним тақдирини ким билан боғлаганини бошда билмади. Унинг қайлиги – Вонг Кунгкит жиной йўллар билан пул ишларди. Аникроғи, болалар, аёллар ва гиёхвандлик моддалари савдоси билан шуғулланарди. Ҳатто маҳфий гангстерлар ташкилоти – "Камбағаллар биродарлиги" ташкилоти аъзоси еди. Бу уюшма ўша пайтлар бутун Гонконгни вахимага солганди. Ташкилотнинг асосий фойда кўриш усули бадавлат одамларнинг фарзандларини ўғирлаб, катта пул, бадал талаб қилишдан иборат еди.

Вонг Кунгкит гангстерлигига қарамай генералиссимусга хизмат қилиши ҳам бежиз эмасди. Чунки Чан Кайши сиёсий фаолиятининг дастлабки босқичларидан Гонконг ва Шанхай, шунингдек, Хитойнинг бошқа шаҳарларида жиной кучларга таяниб иш кўрарди.

1940 йилда Вонг Кунгкит давлат хизматини ташлади. Энди у бемалол ўзи севадиган тинч иш билан шуғулланиши учун етарли миқдорда сармоя тўплаб улгурганди. Аммо юҳо нафси ўз ҳолига кўймади. Тез орада жаноб Вонгнинг номи барча савдогарларнинг ғилига тушди. Янги пайдо бўлган бу қароқчи ўз тўдаси билан Янцзи дарёсидан ким юқ олиб ўтса, молини тортиб олиб, ўзини шафқатсизларча ўлдиради. Кўп ўтмай Вонгнинг кемалари Жанубий Хитой денгизи бўйлаб ҳам кеза бошлашди. Энди улар турли давлатларга қарашли нафақат савдо кемалари, балки йўловчи ташидиганларини ҳам талашарди.

Вонг Кунгкит 1946 йили сирли вазиятда ҳалок бўлди. Тўдабошининг икки яқин ёрдамчиси бўшаган ўринга дъявогарлик қилиб, бева хонимнинг ҳузурига расман розилигини олиш учун боришиди. Вонг меҳмонларни пардозхонасида қабул қилди. У арзимас сабабга кўра пардоз-андоз қилишдан тўхташни истамади. Тошойна олдида туриб, келгандарнинг муддаосини билгач, улар томон ўғрилиб, ҳар иккисини ҳам тўплончасида шартта-шартта отиб ташлади.

Сўнг бир пайтлар эри туғилган кунига совға қилған ихчам-

гина тўппончани столнинг галадонига яшириб, кўриқчиларини чақирди. Ерда чўзилиб ётган мурдаларни кўрсатиб, совуқонлик билан: "Мана бу ахлатларни йиғишириб олинглар", – деди. Қайтиб унга




# КЎРИНМАС ХОНИМ

бу борада мурожаат қилишга ҳеч ким ботинолмади. Шу тариқа Вонг хоним жиной ўюшманинг етакчисига айланди.

Шанга эридан 150 та замонавий кема, торпедо отувчи катерлар ва янги русумдаги канонеркалардан иборат флот мерос бўлиб қолди. Ўзининг денгиз армадасини янада кучайтириш учун у Европадан сувости кемаси ҳам сотиб олмоқчи еди. Аммо нима бўлдию, бу режаси амалга ошмай қолди.

очиқ денгиздаги босқинчилидан ташқари рэкет ҳам тўлдириб турарди. Айниқса, куйидаги воқеа тилга тушиб кетганди. 1951 йил августиди Англияning Гонконгдаги пароходчилик идораларидан бири ҳат олди. Мактубда: "25 август куни йўлга чиқадиган фрахтерларнинг учун 20 минг гонконг доллари миқдорида бадал тўласангизгина улар таланмайди", – дейилган еди.

Компания раҳбарлари ким



1947

йилда корпорация Вонг хоним бошчилиги биринчи йирик операцияни ўтказди – Голландияга қарашли "Ван Хойц" йўловчи кемасини талади. Қароқчилар 400 минг фунт стерлингга тенг бойликни кўлга киритишиди. 1951 йилда эса инглизларнинг "Мелори" пароходи бортида бутун бойлик гўзал Шан етакчилигидаги қароқчилар раҳбарияти сўралган пулни тўлашга қарор қилди.

Вонг хонимнинг ғазнасини

бадал талаб қилаётганини жуда яхши билишарди. Шунингдек, улар қароқчилар тўдасини Гонконг полицияси тутолмаслигини ҳам англаб туришарди. Аксига олиб ўша пайтда Англия ҳарбий кемалини Кореядаги ҳарбий ҳаракатларга жалб қилинганди. Ўзаро маслаҳатлашиб, пароходчилик раҳбарияти сўралган пулни тўлашга қарор қилди.

Вонг хонимга "солик" тўлашдан бош тортганлар катта миқдорда зарар кўришарди. Масалан, "Куангси" пароходчилик компанияси йилига 150 минг АҚШ доллари тўлашни истамагани учун унинг кемалари тез-тез очиқ денгизда портлаб кетар ёки изсиз йўқоларди. Натижада кўрилган зиён Шан талаб қилган ўлпондан бир неча баробар кўп бўларди.

Қароқчилар жуда ҳаддиларидан ошиб кетишди. Корея уруши даврида улар стратегик юк ортилган транспорт кемаларини ҳам талашарди. Бир гал ҳатто патруль кемасини олиб қочишга муваффақ бўлишиди.

Вонг хонимға факат эридан мерос бўлиб қолган ҳудуд биланга чекланиб қолмади. Унинг қароқчилари Макао, Сингапур ва Токио атрофларига ҳам етиб боришиди. "Иш" дан бўш пайтлари гўзал Шан қиморхоналарда ўйин чогида катта-катта пуларни тикар, ютқазиб кўйса ҳам ҳеч ачинмасди.

Бу уюшган жиной гурух Хитой иқтисодига сезиларли даражада зиён етказди. Полиция уни тугатишга қанча уринмасин, уддасидан чиқолмади. Полициячиларда ҳатто хонимнинг фотосурати ҳам йўқ еди. 1964 йилда Тайвань, Филиппин, Таиланд ва Япония сингари мамлакатларнинг полиция бошқармалари тутқич бермас хонимнинг суратини топган кишига 10 минг фунт стерлинг миқдорида мукофот тайинлашди. Унинг боши учун эса бундан ҳам катта пул

тўлашга тайёр эдилар. Аммо Вонг хонимни хуфёна суратга туширишга уринганларнинг барчаси қаттиқ азобларга дучор бўлиб, жон беришиди.

Мазкур жиной ташкилотда темир интизом ўрнатилганди. Унга қабул қилишда қароқчиларнинг кўп асрлик қадимий анъаналарига риоя қилинарди. Номзод турли синовлардан ўтказилар, оддий аъзолар етакчиларга кулоқ қоқмай бўйсунишарди.

1960–1970 йилларда корпорациянинг ноқонуний фаолияти шунчалик кенг қулоқ ёйдик, у билан Интерпол шуғулланишга киришиди. Вонг хоним Гонконг, Сингапур ва Макаода жойлашган кўплаб ресторонлар, фоҳишахоналарга эгалик қиласиди. Шаннинг жосуллари Европадан қизларни яхши ҳақ тўланадиган иш ваъда қилиб олиб келишар ва портлардаги фоҳишахоналарга, бошқа кўнгилочар муассасаларга пуллашарди. Унинг ташкилоти ноқонуний тилла савдоси, қимматбаҳо тақинчоқларни сотиш билан ҳам шуғулланарди. Бунинг натижасида йилига 50–100 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўришарди.

Аста-секин Вонг хоним банкирлар, заргарлар, таникли коллекциячилар билан ҳам ҳамкорлик қила бошлади...

Айтишларича, 70-йилларда ёши анчага борган, башанг кийинган, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олган Вонг хонимни нафақат қиморхоналар, балки нуғузли банкирлар ва бизнесменларнинг зиёфатларида ҳам кўриш мүмкін еди. Аммо унинг Вонг хоним эканлигини ҳеч ким исботлай олмасди. Чунки Шан ўзини бошқа исм билан танишишарди.

Ҳа, Вонг хонимнинг ҳаёти сирларга тўла. Ҳатто унинг сўнгги кунлари қай тарзда кечгани, қачон, қаерда вафот этгани ҳам ҳамон номаълумлигича қолмоқда.



## АУШАНБА,

## Ўзбекистон телеканали

Телетомошибинлар дикатига! Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телеканали 12 июль куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлади. 15.00 «Тахлинома». 15.45 «Рангн дунё». 16.05 «Дастурхон атрофидаги». 16.15 «Кишилк ҳаёт». 16.35 Эстрада тароналари. «Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тоҳ». Телевизон уйин. 18.00 ЯНГИЛИКЛАР 18.10 Мумтоз наволар. 18.25 «Эл соғлиғи - юрт бойлиги». 18.45 «Ўзингни, ўз уйинни ўзинг асра!». 19.05 «Мулқорд». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Оқшом ёғуллари». 20.30 «Ахборот». 21.05 2004 йил - Мехр ва муруваттаги иили. «Химмат». 21.25 «Зомин илҳомлари». 21.55 «Куз эртаги». Телесериал. 22.55 «Ахборот-дайжест». 23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

## Ёшлар телеканали

16.50 Кўрсатувлар дастури 16.55 «Давр» хафта ичидаги 17.25 «Янги авлод» студияси: Соглом авлод 17.45 Куёшли юрт одамлари 18.05 Ёшлар овози

12

## Sport телеканали

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45, 17.00 «Хабарлар» (Рус тилида). 9.00 Ўзбектелефильм намойиш этади: «Бейсбол юлдузлари». 10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ

11.05-13.00 Фильм «SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 «Спорт-антракт» Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ

17.20 Е.Петросяннинг кулиги панорамаси.

17.50 «Клон». Сериал.

18.50 «Милионга кир ювиш».

19.00 «Мени кутгил». 20.00 «Время».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ 20.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

21.00 «Хабарлар».

21.15 «Спортизм ма-ликалари».

21.30 Жаҳон спорти:

«Проф-РИНГ».

22.30 «Х-Спорт».

22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!».

## 30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари

16.55 Открытие про-

грамм

17.00, 21.00 «Телехам-

кор»

17.30 «Детский час»

17.50 «Тысяча акров»,

фильм

18.20 «Господа офице-

ры», сериал

20.10 «Ошикона», муси-

кий дастури

20.40 «Спокойной ночи

малыш»

21.30 «Музыкальная

пауза»

22.00 «Съюзи Кью»,

мелодрама

## РТР

2:00 «Доброе утро, Рос- сия!».

5:45 Фильм «На линии огня».

8:00, 11.10, 14.00, 17.00

ВЕСТИ.

8:30, 11.10, 13.40, 17.30,

20.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.

ВЕСТИ-МОСКВА.

8:50 «Комната смеха».

9:50 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.

10:45, 13.30, 20.25,

1.45 ВЕСТИ. ДЕЖУР-

НАЯ ЧАСТЬ.

11:30 «Мой серебряный

шар. Н. Румянцева».

12:25 Сериал «Сокро-

## ОРТ

5.00 Телеканал «Добро-е утро»

8.00, 11.00, 4.00 Новости

8.05 «Улицы разбитых

фонарей».

9.10 Сериал «Клон»

10.20 «Ералаш»

14.40 Дисней-клуб

11.05 Детективная три-

логия «Круг»

13.00 Сериал «Женщины

в любви»

14.00 Новости (с суб-

титрами)

14.20 Сериал «Сезон охоты»

15.30 Криминальная

Россия. «Евроремонт

для убийцы»

16.00 «Слабое звено»

18.00 «Вечерние новости

(с субтитрами)

17.20 «Кумиры»

18.50 «Стирка на милли-

он»

19.00 «Черный ворон».

Сериал

20.00 Время

20.30 «Улицы разбитых

фонарей».

21.40 Сериал «Танцор»

22.40 «Звезды эфира»

23.10 Сериал «24 часа»

0.00 «После шока: Зем-

летрясение в Нью-Йорке»

1.30 Фильм «Песня же-

вонки»

3.30, 4.05 Сериал «Бад-

ди Фаро»

## HTV

5:00 УТРО НА HTV

7:55 Сериал «ЛЮБОВЬ

ВДОВЦА»

9:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»

9:25 Сериал «Бедная

Настя».

10:20 Ток-шоу «СТРАНА

СОВЕТОВ»

11:00 «СЕГОДНЯ» с О.

Беловой

12:00 «Детективные

новости».

13:00 «Любовь и

честь».

14:00 «Спокойной ночи,

малыши!».

15:00 Сериал «Нежное

чудовище».

16:00 «Комиссар Рекс».

Сериал

17:00 «СЕГОДНЯ» с М.

Осокиним

18:00 «Любовь и

честь».

19:00 «Любовь и

честь».

20:00 «Любовь и

честь».

21:00 «Любовь и

честь».

22:00 «Любовь и

честь».

23:00 «Любовь и

честь».

## ДТВ

8.00 Музыкальная про-

грамма «ZTV».

8.50 Мультфильмы.

9.00 Фильм «ЗАДАЧА С ТРЕМЯ НЕИЗВЕСТНЫМИ».

10.10 Фильм «ДРУГИЕ».

12.30 Фильм «ТРОЕ ВОЛХВОВ».

14.30, 19.00 Док. сери-

ал «Борьба за выживание».

15.00 Фильм «ЭФФЕКТ РОМАШКИНА».

16.30 Сериал «НАСЛЕДНИК».

17.05 Шоу Д. Спрингера.

18.00 «Губка Боб - Квадратные штаны».

19.30 Наши песни.

20.00 «Новые подробно-

сти».

20.30 «Об орлах».

21.00 «БРАТЬЯ ПО РАЗУМУ».

22.00 «Глобальные ново-

сти».

22.30 Документальный

ролик «Любовь и

честь».

23.30 Истории в деталях.

24.30 «ДОРОГАЯ МАША БЕРЕЗИНА».

25.30 «БОЛЬШАЯ

БОЛЬШАЯ



## ЖУМА,

16

## Ўзбекистон телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 -8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шаҳри.  
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР 10.05 «Иним айик». Мультфильм.  
11.30 «Маслақ ва максад». 11.50, 12.45 ТВ-клип. 12.05 «Ўзлигинг намоён кил». Экранда Сидаррөвилоти.  
12.25 «КиноТеатр». 12.55 «Куз эртаги». Телесериал.  
14.10 Телемулоқот. 15.00 «Мувозаннат». 15.20 «Дала ховли». Бадий фильм.  
16.40 «Мехр улашиби». 17.00 1. «Еш ўодулар». 2. «Ўила, Изла, Топ!». Телемусобака.  
18.10 «Яшилар ёди». 18.30 «Тиббийт одимлари». 18.45 «Тафсилот». 19.05 «Зие» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустахкамлиги йўлида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Дастурхон атрофиди». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Солик хизмати хабарлари». 21.10 «Муносабат». 21.40 «Олтин бешик». 22.10 «Стандарт ва сифат». 22.20 «Қочоқлар». Бадий фильм.  
23.50 «Ахборот-дайжест». 0.10-0.15 Ватан тимсоллари.

## Ёшлар телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг». 8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.  
8.45 «Нима бўлти» лабабли бегемот». Мультфильм  
9.00, 13.00, 16.00 Давр  
9.25 «Елғон асраси». Телесериал  
10.10 «Давр-интервью». 10.25 «Букрининг сири», Мультфильм  
11.15 Хотира. 11.35 Ёшлар овози  
12.00 Жаҳон цирки. Массимо  
12.50, 17.00, 19.45 Мусиқий лаҳзалар  
13.15 Мультсерериал: «Шарки ва Жорх»  
13.40 Мезон  
14.00 Сув - хоёт манбаи  
14.05 «Аёллар тангиси». Бадий фильм

## Sport телеканали

7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгиги дам олиш дастури.  
8.45, 17.00 «Хабарлар». (Рус тилида). 9.00 «Болалар спорти». 9.15 Гандбол. Узбекистон чемпионати.  
9.45 «Дадиллик учун соврин». 10.10 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ». 11.10 «Спорт - менинг хоётим: Алкомат». 11.30-12.00 «Дунё манзаралари». «SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ

## РТР

2:00 «Доброе утро, Россия!». 5:45 Сериал «Бедная Настя». 6:45 Сериал «Директория смерти». 7:40, 10.45, 21.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 8:00, 11.00, 14.00, 17.30, 20.40 МЕСТО ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВА. 8:50 Детектив «Марш Турецкого. Лекарство для покойника». 11:30 «Мой серебряный шаг». 12:25 Сериал «Противостояние». 14:10 Сериал «Агентство «Золотая пушка». 15:05 Сериал «Нежное чудовище». 16:00 «Комиссар Рекс». Сериал.  
17:50 «Спокойной ночи, малыш!». 17:55 Сериал «Бедная Настя». 18:55 Детектив «Марш Турецкого. Опасное хобби». 21:00 Программа И. Зайцевой «Без галстука». 21:45 Фильм «Ничья земля». 23:45 «Дорожный патруль». 0:00 Сериал «Полиция Майами: отдел нравов». 0:45 «Навеки Джуллия». Сериал.  
1:25 Канал «Европа-Ю

15.30 Хаёт қадри маърифий дастури  
16.55 Кўрсатувлар дастури  
17.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
17.25 Томир  
17.45 Ёшлар кўйлаганда  
18.05 Ёшлар ва хукук  
18.25 Аскар мактублари  
18.45 Ўқиша марҳамат  
18.50 Мумтоз наволар  
19.00, 22.00 Давр  
19.35 Солик хизмати хабарлари  
19.40 Йишига марҳамат!  
19.55 2004 - Мехр ва муруват йили. Азим  
20.40 «Елғон асраси». Телесериал  
21.30 Кышлоқдаги тенгдошим  
21.50 Олтин мерос  
22.45 Спорт дастури:  
Интерфутбол  
0.25-0.30 Ёхрли тун

## 30-й канал

12.00 Открытие программы  
12.05 «Телекамкор»  
12.30 «Детский час»  
13.00 «Господа офицеры», сериал  
14.00 «Блеф», комедия  
15.30 «Ошикона», мусиқий дастури  
16.00 «Тайны мира»  
17.30 «Спорт-экстрим»  
17.50 «Глубокий шок», фантастика  
19.20 Бокс  
20.10 «Ошикона», мусиқий дастури  
21.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси,  
18.15 «Болажонлар экраны»  
18.30, 20.00, 20.55, 22.35 «Пойтхат» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклиймиз-күтгалимиз»  
19.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».  
17.45 «Табриклиймиз-күтгалимиз»  
17.55 «Хориж хабарлари»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси,  
18.15 «Болажонлар экраны»  
18.30, 20.00, 20.55, 22.35 «Пойтхат» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклиймиз-күтгалимиз»  
19.20 ТТВда сериал: «Мухаббат тарихи».  
20.20 «Навбатчи кисми».  
21.15 «Аёллар салтантаси»  
21.45 «Дорихона эшияди», Бевосита мулокот.  
22.55 ТТВда сериал: «Рей Брэдбери театри»  
23.20 Кинонигоҳ, «Таввалик», 2-қисм.  
0.25-0.30 Ёхрли тун, шахрим!

## ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»  
8.00, 11.00 Новости  
8.05 «Улицы разбитых фонарей»  
9.10 Сериал «Клон»  
10.20 «Ералаш»  
10.40 Мульти сериал  
11.05 Комедия «Мы из джаза»  
13.00 Сериал «Женщины в любви»  
14.00 Новости (с субтитрами)  
14.20 Сериал «Сезон охоты»  
15.30 Док. детектив «Ловцы «скорпионов»  
16.00 «Русская рулетка»  
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)  
17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»  
18.50 «Поле чудес»  
20.00 Время  
20.30 Фильм «Эрин Брокович»  
23.00 В. Кузьмин. «Лучшие песни»  
0.00 Боевик «Лавина»  
2.00 Боевик «Живая мишень»  
3.30 Сериал «Бадди Фаро»  
4.10 «Сидней, Космическая готика»

## РТР

2:00 «Доброе утро, Россия!». 5:45 Сериал «Бедная Настя». 6:45 Сериал «Директория смерти». 7:40, 10.45, 21.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 8:00, 11.00, 14.00, 17.30, 20.40 МЕСТО ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВА. 8:50 Детектив «Марш Турецкого. Лекарство для покойника». 11:30 «Мой серебряный шаг». 12:25 Сериал «Противостояние». 14:10 Сериал «Агентство «Золотая пушка». 15:05 Сериал «Нежное чудовище». 16:00 «Комиссар Рекс». Сериал.  
17.50 «Спокойной ночи, малыш!». 17.55 Сериал «Бедная Настя». 18:55 Детектив «Марш Турецкого. Опасное хобби». 21:00 Программа И. Зайцевой «Без галстука». 21:45 Фильм «Ничья земля». 23:45 «Дорожный патруль». 0:00 Сериал «Полиция Майами: отдел нравов». 0:45 «Навеки Джуллия». Сериал.  
1:25 Канал «Европа-Ю

## НТВ

5:00 УТРО НА НТВ  
7:55 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА»  
9:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
9:25 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
10:20 Ток-шоу «СТРАНА СОВЕТОВ»  
11:00 «СЕГОДНЯ»  
11:30 Детектив «ДЕСЯТЬ НЕГРИТЬЯТ», 1-я серия  
13:05 «ВРЕМЯ ЕСТЬ»  
13:35, 17.35 «ПРОТОКОЛ»  
14:00, 16.00, 18.00 «СЕГОДНЯ» с О. Беловой  
14:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»

## ТНТ

4.55, 5.40 Мультфильмы  
5.15 Москва: инструкция по применению.  
6.05 «Глобальные новости»  
7.30 «ДИКИЙ МИР: БОРЬБА ЗА ВЫЖИВАНИЕ. Хитрый, как змея»  
14.00 Триллер «ЧЕЛЮСТИ: МЕСТЬ»  
20.40 Сериал «НЕУДАЧА ПУАРО»  
21.15 БРАТЬЯ КЛИЧКО, ЛУЧШИЕ БОИ  
23.10 Фильм «ПОСЛЕДНИЙ ГАРЕНЬ»  
7.30 «Победоносный голос верующего»  
17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»  
18.50 «Поле чудес»  
20.00 Время  
20.30 Фильм «Эрин Брокович»  
23.00 В. Кузьмин. «Лучшие песни»  
0.00 Боевик «Лавина»  
2.00 Боевик «Живая мишень»  
3.30 Сериал «Бадди Фаро»  
4.10 «Сидней, Космическая готика»

## ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего»

17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»

18.50 «Поле чудес»

20.00 Время

20.30 Фильм «Эрин Брокович»

23.00 Фильм «МЯГКАЯ ПОСАДКА»

22.00 Фильм «ДЕВЯТЬ ЯРДОВ»

1.10 Агентство криминальных новостей.

1.25 Сериал «ЭДЕН».

2.00 Неслучайная музыка.

2.05 Шоу Д. Спрингера.

## ТНТ

4.55, 5.40 Мультфильмы

5.15 Москва: инструкция по применению.

6.05 «Глобальные новости»

7.30 «ДИКИЙ МИР: БОРЬБА ЗА ВЫЖИВАНИЕ. Хитрый, как змея»

14.00 Ток-шоу «СТРАНА СОВЕТОВ»

14.30 «Великие иллюзии. Истории фокуса»

15.00 Фильм «ОСЛИНАЯ ШКУРА»

16.40 Фильм «ЧЕТЫРЕ МУШКЕТЕРА»

19.00, 20.00, 23.15 «Дом-2. Любовь»

19.30, 2.30 Док. сери-

19.30 «Победоносный голос верующего»

17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»

18.50 «Поле чудес»

20.00 Время

20.30 Фильм «Эрин Брокович»

23.00 Сериал «БДОЛ»

23.30 Сериал «ДРУЗЬЯ»

24.00 «Каламбур»

19.00, 18.00 «Маски-шоу»

19.30, 20.00, 23.15 «Дом-2. Любовь»

19.30, 2.30 Док. сери-

19.30 «Победоносный голос верующего»

17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»

18.50 «Поле чудес»

20.00 Время

20.30 Фильм «Эрин Брокович»

23.00 Сериал «БДОЛ»

23.30 Сериал «ДРУЗЬЯ»

24.00 «Каламбур»

19.00, 18.00 «Маски-шоу»

19.30, 20.00, 23.15 «Дом-2. Любовь»

19.30, 2.30 Док. сери-

19.30 «Победоносный голос верующего»

17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»

18.50 «Поле чудес»

20.00 Время

20.30 Фильм «Эрин Брокович»

23.00 Сериал «БДОЛ»

23.30 Сериал «ДРУЗЬЯ»

24.00 «Каламбур»

19.00, 18.00 «Маски-шоу»

19.30, 20.00, 23.15 «Дом-2. Любовь»

19.30, 2.30 Док. сери-

19.30 «Победоносный голос верующего»

17.20 Фильм «Граф Монте Кристо»

# ШАНБА,

Ўзбекистон  
телеқанали

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.40 Газеталар шархи.  
9.00 1. «Ёш юлдузлар».  
2. «Йила, Изла, Топ!». Телемусобака.  
10.00 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».  
10.20 «Бу турфа олам».  
11.10 «Тағсилот».  
11.30 «Олтин бешик».  
12.00 «Бананлар». Мультфильм.  
12.35 Телетанлов: «Алпомиш авлодлари». Хоразм вилояти.  
12.55 «Хониш». Мусикий дастур.  
13.25 «Куз эртаги». Телесериал.  
14.30 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон умумий уйимиз». 2. «Умид».  
3. «Дурдаршан»  
15.30 «Стандарт ва сифат».  
15.40 «Балто-1». Мультфильм.  
16.55 «Табиат шифохонаси».  
17.05 Мусикий танафус.  
17.15 «Қалб гавҳари».  
17.35 «Ўзбекелефильм» намоиши: «Ҳәй».  
17.45 «Кўйла, ёшлигим».  
18.10 Болалар учун «Саргузашлар ороли».  
18.40 «Кишлоқ хаёти».  
19.00 Би, жуфт кўшик.  
19.10 «Ўзл то» Телетеатер.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилклари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Юртим чаманлари». (Кашқадарё вилояти).  
21.55 «Оталар сўзи - аклиниң кўзи».  
22.55 «Ахборот-дайжест».  
«Тунги ёғду». Дам олиш дастурини.

# 17

## Ёшлар телеқанали

- 23.15 «Болливуд маликаси». Бадий фильм.  
0.45-0.50 Ватан тимсоллари  
  
**Sport**  
**телеқанали**
- 6.55 Кўрсатувлар дастури  
7.00 «Мунаввар тонг».  
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
9.00, 19.00 Давр  
9.25 «Елон асираси» Телесериал  
10.05 Табобат оламида  
10.30 Жаҳон жуғрофияси  
11.20, 15.25, 20.05 Мусикий лаҳзалар  
11.35 Куттилмаган меҳмон  
12.00 «Стоарт Литл-1». Бадий фильм  
13.20 Бола тилидан  
13.50 Ёшлар ва хукуқ  
14.10 «Стоарт Литл-2». Бадий фильм  
15.35 Интерфутбол  
17.15 Кишилодаги тенгдошим  
17.40 Кўрсатувлар дастури  
17.45 «Янги авлод» студияси. Буш ўтирма  
18.10 Мульттомоша  
18.25 Дунё ажойиботлари  
18.35 Каталог  
18.45 Ўқишига марҳамат!  
18.50 Мумтоз наволар  
19.35 «Давр» - репортаж  
19.50 Саёҳатнома  
20.15 Минъ бир ривоят  
20.20 Оҳанрабо  
21.05 «Одиссея». Бадий фильм  
22.40 «Одиссея». Бадий фильм (давоми)  
0.10-0.15 Хайрли тун

## Тошкент телеқанали

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби  
17.20 Болажонлар экранни.

# 18

Ўзбекистон  
телеқанали

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
10.00 «Ватанимнинг хизмат қиласман».  
11.00 «Она Мехри».  
11.20 Вилоят хонандадарли куйлади.  
11.40 «Шов-шув». Жаҳий кўрсатув.  
12.00 «Лаззат сехри».  
12.25 «Юртим чаманлари». (Кашқадарё вилояти).  
13.15 «Куз эртаги». Телесериал.  
14.20 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангикамон», 2. «Дидар», 3. «Айчурек».  
4. «Чинсан». 15.40 «Осмоннинг бағри кенг». Спектакл. 1-қисм.  
16.40 «Портретта чизигилар».  
16.55 «Осмоннинг бағри кенг». Спектакл. 2-қисм.  
17.55 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.  
18.55 «Шахсий фикр».  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).  
20.05 «Рангин дунё».  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 2004 йил - Мехрва муруваттаги иили. «Яшили». 21.40 Дуторчилар ансамблиниң концерти.  
«Якшанба кинозали»:  
22.05 «Ломбарддаги холажон». Бадий фильм.  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

- 9.30 Томорка  
9.40, 16.45 Мусикий лаҳзалар  
9.50 Очил дастурхон  
10.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури  
11.00 Оҳанрабо  
11.40 Харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Аскар мактублари  
12.00 Минг бир ривоят  
12.05 «Танишинг, Жо БЛЭК». Бадий фильм.  
1-серия  
13.35 «Кишини кирк ёриб...»  
14.30 «Танишинг, Жо БЛЭК». Бадий фильм.  
2-серия  
15.55 Ринг кироллари  
16.55 2004 - Мехрва муруваттаги иили. Азизим  
17.35 Кўрсатувлар дастури  
17.40 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси, Билағон маслаҳати  
18.20 Мульттомоша  
18.35 Спорт ҳафтаномаси  
18.45 Ўқишига марҳамат!

- 18.50 Мумтоз наволар  
19.00 «Давр» - news  
19.25 Махмуд Намозов  
19.45 Сув - ҳаёт манбай  
19.50 Кулгич  
19.55 «Заковат». Интеллектуал йин.  
20.50 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Машъум марҳон шодаси». Бадий фильм  
21.50 Олтин мерос  
22.00 «Давр» ҳафта ичиди  
22.35 «Машъум марҳон шодаси». Бадий фильм (давоми)  
23.30-23.35 Хайрли тун

## Sport телеқанали

- 7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар». (Рус тилида).  
9.00 «Полнон бўлмоқ чиман»  
Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ  
17.40 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси, Билағон маслаҳати  
18.20 Мульттомоша  
18.35 Спорт ҳафтаномаси  
18.45 Ўқишига марҳамат!

- «SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ  
10.10 «Болалар спорти».  
10.30 Гандбол. Ўзбекистон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- 17.55 «Эртакларнинг сехрли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- 30-й канал**  
9.00 Открытие программы  
9.05, 11.30, 18.00, 21.20 «Телекамкор»  
9.30 «Детский час»  
10.00 Мультфильм  
12.00 «Красный скорпион», фильм  
13.30 Хит-парад.uz  
14.30 «Улица сезам»  
17.45 «Без рецепта»  
18.15 «Рельсы через мое сердце» 1-я серия

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- OPT**  
5.00, 9.00 Новости  
5.10 Сериал «Все путешествия команды Кусто»  
5.20 «Кун мавзуси»  
5.40 «Халқ, ўйинлари»  
21.00 «Хабарлар»  
21.15 Кураш. Халқаро турнир. Туркия  
21.45 «Захидаги спортчи»  
22.05 Футбол. Осиё чемпионати Қатар-Индонезия  
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

## 30-й канал

- 9.00 Открытие программы  
9.05, 18.00, 21.20 «Телекамкор»

- 9.30 «Детский час»  
10.00 «Василиса прекрасная», сказка  
11.30 «Окно в мир»  
12.00 «Предназначение», триллер  
13.40 Бокс  
14.30 Индийское кино: «Сила закона»  
17.10 «Дикая планета»  
18.20 «Отряд - призрак», фантастика  
19.50 «Ошикона», мусикий дастури  
22.40 Боевик «Сверхновая»  
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

- OPT**  
5.00, 9.00 Новости  
5.10 Сериал «Все путешествия команды Кусто»  
5.20 «Кун мавзуси»  
5.40 «Халқ, ўйинлари»  
21.00 «Хабарлар»  
21.15 Кураш. Халқаро турнир. Туркия  
21.45 «Захидаги спортчи»  
22.05 Футбол. Осиё чемпионати Қатар-Индонезия  
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

## 30-й канал

- 9.00 Открытие программы  
9.05, 18.00, 21.20 «Телекамкор»

- 9.30 «Детский час»  
10.00 «Василиса прекрасная», сказка  
11.30 «Окно в мир»  
12.00 «Предназначение», триллер  
13.40 Бокс  
14.30 Индийское кино: «Сила закона»  
17.10 «Дикая планета»  
18.20 «Отряд - призрак», фантастика  
19.50 «Ошикона», мусикий дастури  
22.40 Боевик «Сверхновая»  
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

## 30-й канал

- 9.00 Открытие программы  
9.05, 18.00, 21.20 «Телекамкор»

- 9.30 «Детский час»  
10.00 «Василиса прекрасная», сказка  
11.30 «Окно в мир»  
12.00 «Предназначение», триллер  
13.40 Бокс  
14.30 Индийское кино: «Сила закона»  
17.10 «Дикая планета»  
18.20 «Отряд - призрак», фантастика  
19.50 «Ошикона», мусикий дастури  
22.40 Боевик «Сверхновая»  
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

- 17.55 «Эртакларнинг таҳфузли олами».  
19.35 «Жаҳон географияси».  
20.05 «Шунақа гаплар». Жаҳон кўрсатув.  
20.20, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.  
20.35 «Табриклиймиз-күтлаймиз».  
21.05 «Дугоналар».  
21.40 «Тв плюс».  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 Кинонигоҳ. «Таввакал». 4-қисм.  
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

## 30-й канал

- 9.00 Открытие программы

ҮГЕН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОЕДАРИ

**Муроджон КАМОЛИДДИНОВ** тузди.

БҮЙИГА: Конституция. Баскетбол. Кени. Урал. Нозим. "Монд". Атакама. Огайо. Неон. Омма. Ион. Арра. Ро. Гал. Енг. Уда. Ом. Патна. Имо. Ога. Капик. Хол. Аомори. Од. Ром. Ка. Вин. Илим. Айрма. Си. Артиллерия. Ходис. Лемма. Титикака. Обаки. Эл. Раж. Мим. Икс. Ирис. Яна. Лановой. С. Аббасов. Нар. Мон. Кинескоп. Каллисто. Ралира.

Аббосов. Нав. Мэн. Кинесон. Каллисто. Галира. НИГА: "Аппассионата". Округ. Аорта. Сулаймонова. Том. Амир. Иена. Ат. Онт. Ока. Акр. Иллинойс. Уаза. Ил. Ле. Кан. Имло. Олмос. Або. Ижма. Н. о. Ем. Нодира. Ли. Орият. Угом. Дам. Ат. Кийик. Томонага. Акробат. Ер. Күрак. Орол. Арслон. Динамика. Асар. Хожинова. Об. Ов. Хамдамов. Ми. Ики. Эр. Истиклол. Осим. Йена.

# СПОРТ+ФУТБОЛ

## ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. ОЛИЙ ЛИГА

Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида биринчи давра учрашувлари якунига етди. Жамоалар 14 августгача — иккинчи давра учрашувлари бошлангунга қадар танаффусга чиқдилар. Аммо футбол мухлислари асло зерикаб қолмайдилар. Чунки 17 июлдан 7 августгача Хитойда навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этади. Вакилларимизга омад тилаб қоламиш.

## ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ. ЧОРАК ФИНАЛ. ЖАВОБ УЧРАШУВЛАРИ

Аввал хабар қилганимиздек, Муборакнинг "Машъал" ва Тошкентнинг "Трактор" жамоалири ярим финал йўлланмасини кўлга киритган эдилар. Улар сафига "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари ҳам кўшилишди.

"Пахтакор"–"Сўғдиёна" - 4:2

Биринчи учрашув – 2:2

"Нефтчи"–"Локомотив" - 3:2

Биринчи учрашув. – 3:1.

Шундай қилиб, Ўзбекистон кубогининг ярим финалига ташланган куръя натижаларига кўра "Пахтакор" "Нефтчи" билан, "Машъал" "Трактор" билан куч синашадиган бўлди. 10 август куни бўлиб ўтадиган дастлабки ярим финал учрашувларида пахтакорчилар фарғоналикларни қабул қиласалар, воҳа футболчилари тракторсозлар жамоаси билан учрашади. Жавоб учрашувлари 2 сентябрь куни Фарғона ва Тошкентда бўлиб ўтади. Финал учрашуви эса 1 октябрь кунига белгиланган.

БИРИНЧИ ДАВРАНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ						
Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.Пахтакор	13	12	1	0	42-5	37
2.Нефтчи	13	11	0	2	30-13	33
4.Насаф	13	10	1	2	28-8	31
3.Навбахор	13	10	1	2	33-9	31
5.Локомотив	13	5	4	4	17-9	19
6.Трактор	13	6	0	7	18-27	18
8.Сурхон	13	5	1	7	15-22	16
9.Бухоро	13	5	1	7	15-27	16
7.Металлург	13	4	2	7	13-25	14
10.Қизилқум	13	3	3	7	15-25	12
11.Машъал	13	3	2	8	16-21	11
12.Андикон	13	3	1	9	13-29	10
13.Сўғдиёна	13	3	1	9	9-27	10
14.Самарқанд-Д	13	2	0	11	13-30	6

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

# Ўзбекистон футбол федерациясининг эмблемаси янгича кўришишга эга бўлди. Аввалгисига нисбатан анча тиник ва рангдор кўринадиган эмблема Осиё чемпионатига йўл оладиган терма жамоамиз футболкаларини янада безайди.

# IFFHS томонидан 30 июнгача бўлган клублар рейтинги эълон килинди. Унга кўра Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси 173-ўриндан бораётган бўлса, Фарғонанинг "Нефтчи" клуби 382-ўриндан 349-погонага кўтарилиб олди.

# Россиянинг "Спорт-экспресс" газетаси томонидан ўтказилаётган сўров натижаларига кўра МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг июнь ойидаги энг яхши футболчиси деб Марис Верпаковски топилди.



AFC  
ASIAN CUP  
СИНА 2004

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ. ХИТОЙ-2004

Европада 2004 йилги чемпион аниқланган бўлса, Осиёда энг кучли терма жамоа номини олиш учун 17 июльдан бошлаб қитъанинг 16 терма жамоаси ўзаро кураш олиб боради.

Шуниси қувончилини, ана шу баҳтили 16 жамоа орасида мамлакатимиз терма жамоаси ҳам бор. Вакилларимиз "С" грухидаги Саудия Арабистони, Ироқ ва Туркманистон терма жамоалари билан майдонга тушиб, чорак финалга чиқиш масаласини ҳал этадилар.

Афсуски, терма жамоамиз Хитойга бир неча етакчи футбольчиларсиз йўл олишмоқда. Таркибга киритилган Максим Шацких, Виктор Карпенко, Владимир Маминов ва Владимир Радкевичлар у ёки бу сабаблар билан чемпионатни ўтказиб юборишадиган бўлди. Максим пневмония касаллигини юқтириб олишдан хавфсираган бўлса, Карпенко "Шинник" таркибида Интертото кубогида қатнашишни афзал билди. В. Маминовнинг жароҳати жиддий бўлганлиги сабабли унинг боролмаслигини узрли деб қабул қилиш мумкин. Шунингдек, Радкевичга ҳам ҳозирча ФИФА томонидан расмий руҳсатнома келмаган.

## ҲИМТАБАССУМ

Икки футбол ишқибози ўзаро келишиб олишди. Кимдаким биринчи бўлиб қазо қиласа, иккинчисининг тушига кириб, у ёкларда ҳам футбол ўйнашадими-йўқми, айтиши кепрак. Кўп ўтмай улардан бири қазо қилди ва, келишилганидек, иккинчисининг тушига кириб деди: «Менинг сенга айтадиган иккита хабарим бор. Бири иккаламиз учун ҳам яхши, иккинчиси мен учун яхши, сен учун ёмон».

«Эшитайлик-чи».

«Биринчиси, бу ёқда ҳам футбол ўйнашар экан. Иккинчиси, сени эртанги машғулотта қатнашувчилар рўйхатига қўшиб кўйишиди».

# МА КУТИЛГАН ФИНАЛ

Дунё футбол аҳлини бир неча кун ўзига ром этган Европа чемпионати ҳам ўз поёнига етди. Чемпионат олдидан мутахассислару мухлислар томонидан ўртага ташланган башоратларнинг барчаси пучга чиқди.

Францияни яна бир бор чемпионлик шоҳсупасида кўришини истаганлар бугун Грецияга анқайиб қараб қолган. Англияликларни биринчи рақам остида кўрмоқни хоҳлаганлар Португалиядан хафа. "Қизил лолалар" мамлакати вакиллари ва мухлислари лола фасли – баҳор ортда қолганини ярим финалда англаб етишди. Чехия... ҳамма тан берган терма жамоа бир неча дақиқа майдонни тарк этишни истамади. Тарк этолмади, десак тўғрироқ бўлар. Тўғрисини ҳам тан олиш керак, ушбу терма жамоа финалда ўйнашга тўла ҳақли эди. Аммо, воажабки, кейинчалик чемпион номини оладиган жамоа уни ярим финалда тўхтатган экан.

Чемпионат аутсайдери бугун чемпионат чемпион! Юлдузлари йўқ юлдуз жамоа энг кучлилар учун аталган тожни тўрт йил Европа бўйлаб кийиб юради. Бу баҳтили терма жамоанинг ватани – Греция!

### ЯРИМ ФИНАЛ

Португалия–Голландия - 2:1

Греция–Чехия - 1:0

### ФИНАЛ

Португалия–Греция - 0:1.

Чемпионатнинг охирига ва баҳтили голи муаллифи – Харистеас (57).



## ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТЛАРИННИГ БАРЧА ЧЕМПИОНЛАРИ

Йил	Ўтказилган жой	Чемпион
1960	Франция	Собиқ СССР
1964	Испания	Испания
1968	Италия	Италия
1972	Бельгия	Германия
1976	Югославия	Чехословакия
1980	Италия	Германия
1984	Франция	Франция
1988	Германия	Голландия
1992	Швеция	Дания
1996	Англия	Германия
2000	Бельгия, Голландия	Франция
2004	Португалия	Греция

## Таҳлил

**Ж**иноятлар бесабаб содир этилмайди, ўз-ўзидан камайиб ҳам қолмайди. Шу жиҳатдан олганда Навоий шаҳрида умумий жиноятчилик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли бир хил. Бундан жиноятчиликка қарши курашда ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди, ижобий натижаларга эришилмабди-да, деб холоса чиқариш мумкин.

Аммо сиртдан қараганда шундай туюлади. Факт ва кўрсаткичларни таҳлил қиласак, бошқача тўхтамга келамиз.

Аввало ҳар қандай жамият учун ташвишли, муаммо ҳисобланадиган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши хусусида фикр юритсан. Ўтган йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 20 тани ташкил этган эди. Жорий йилда б нафар ўсмир жиноятга қўл урди. Тўғри, ҳатто биргина бундай ҳолат ҳам кишини ўйлантиради, ташвишга солади. Лекин фақат афсус чеккан билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Бундай жиноятларнинг уч баравар қисқаргани қувонарли, ал-

батта. Бунга қандай эришилди, дерсиз?

— Ишладик, изландик, ҳаракат қилдик, — дейди шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковники Бозорбой Муҳаммадов. — Биринчи навбатда нотинч оиласарда вояга етаётган, тарбияси

sodi шароитида. Собиқ маҳкумларни ишга қабул қилишдан айримлар чўчишади. Бундан ташкари ўй-жой, ҳужжатларини тўғрилаш, соғлиғини тикилаш муаммоси тилиши мумкин. Ана шундай нозик пайтда уларга эътиборлизик қиласак, суюш ўрни-

Бошпанасиз қолганларига оиласиз ётоқоналардан жой ажратилади. Уларга ёрдам пули бериси бора-сида ҳам ҳеч қандай муаммо йўк, — деда қўшимча қилди Б. Муҳаммадов.

Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли муқаддам судланганлар томонидан жиноят содир этилиши сезиларли камайди. Вояга етмаганлар, собиқ маҳкумлар орасида жиноятчилик қисқарган бўлса, нега жиноятларнинг умумий даражаси пасайманган, деган ҳақли савол туғилади. Сабаби, тайинли ишнинг бошини тутмай юрганлар орасида жиноят содир этганлар кўпайганди. Бу бир томондан қўшимча иш ўринлари яратиш заруратини кўрсатса, бошқа томондан аҳоли орасида профилактик ишларни янада кучайтириш лозимлигидан дарак беради. Бинобарин, одамларнинг ҳукуқий билими, маданияти ошса, қонун-қоидани ҳурмат киладиган бўлишида. Хуллас, Навоий шаҳар ИИБ ходимлари жиноятчиликка қарши курашиб, унинг олдини олиш борасида муйян ютуқларга эришияпти. Шу билан бир қаторда юқоридаги каби ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам бор.

Бобомурод ТОШЕВ.

огир, ҳукуқбузарликларга майил ўсминаларга эътибор қаратилди. Уларга жиноятнинг оқибати нима билан тугашни тушунтирдик. Аввало тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Пияниста, жанжалкаш киши қандай қилиб фарзандига намуна бўлсин? Шунинг учун айрим ота-оналарни тартиба чакириш, ҳатто суд орқали оталик ёки оналик ҳокими Бахтиёр Ҳамдамовнинг шахсан ўзи назорат қиларкан.

— Бу масалага багишланган мажлисларда тиббиёт хизмати, ИИБ, меҳнат биржаси ва бошқа тегишили идораларнинг раҳбарлари иштирок этишади. Ҳар бир собиқ маҳкум масаласи алоҳидаги кўриб чиқилади.

### Наманган вилояти ИИБ поликлиникасида кўплаб моҳир, қўли енгил тиббиёт ходимлари меҳнат қилишади. Ана шундайлардан бири кўз касалликлари шифокори Анваржон Аҳмадалиевдир.

Суратда: А. Аҳмадалиев ходимни тиббий кўрикдан ўтказяпти.

Фурқат МАМАЖНОВ олган сурат.



Тергов амалиётидан

## ИСБОТ-ДАЛИЛЛАР ФОШ ЭТАДИ

**М**аълумки, жиноят холисона очилиши учун дастлабки тергов ҳаракатлари мукаммал олиб борилиши лозим. Шу ўринда ҳодиса жойини кўздан кечириш мухим аҳамиятта эга. Таъкидлаш жоизки, воқеа содир этилган жойда кўп ҳолларда жиноят изи ва бошқа ашёвий далиллар қолади. Уларни қидириб топиш ва ишга қўшиш зарур.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бирни тергов ҳаракатини ўтказиша криминалистик техника воситаларидан кенг миқёсда фойдаланишдир. Зоро, бу жиноятнинг ўз вақтида очилишида катта аҳамият касб этади.

Воқеа жойини кўздан кечириш маҳорат ва тажрибаталаб қилади. Терговчи, жиноят-қидирив ҳодими жиноят иши билан боғлиқ фактлар, ашёвий далиллар, ҳолатларни атрофича ўрганиб, тўплланган материалларга обьектив баҳо бериши керак.

Ҳодиса жойига чиқишдан олдин терговчи рўй берган

жиноятнинг характеристини хисобга олган ҳолда ўзи ва холислардан ташкари, яна қайси соҳа мутахассисларини жалб этиш лозимлигини ҳал этади. У томондан таклиф этиладиган криминалист-экспертнинг ўрни айниқса, бекиёсdir. Эксперт махсус усулларни кўллаб, ҳодиса жойидаги ашёвий далилларни аниқлайди ва қайд этади.

Терговчи воқеа жойини кўздан кечириб, жабрланувчи ва тувохларни сўроқ қилгач, рўй берган ҳодиса ҳақида бир тахминга келади. Аммо бу ҳали жиноят очилди дегани эмас. Тахмин тергов йўналишини белгилайди, холос. Тергов ҳаракатлари – кўздан кечириш, сўроқ қилиш, тинтуб ўтказиш орқали терговчи жиноят мавжуд ёки мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу тахминни текшириб кўриш босқичидir. Агар тахмин ўзини окламаса янгиси илгари сурилади.

Терговчи ҳар доим ҳам тўғри тахмин юритиш, мантиқий таҳлил қилиш имконини берувчи материалга эга бўлавермайди. Аммо бой тажрибаси туфайли баъзан йўқ дарражадаги белгилар, деталлар, нозик фарқлар негизида келгусида ўз тасдиғини топувчи тўғри фаразлар чиқара олади. Бу борада тергов интуицияси катта роль ўйнайди. Яни, терговчининг ички сезгиси кўплаб тахминлар орасидан биринчи галда текширилиши лозимларини танлаб олиш, бу билан кўп ҳолларда тергов муддатини қисқартириш, хаёлга келмаган таассуротларга эътибор қаратиш имконини беради.

Бир мисол келтирасак. Тергов пайтида О. Долим кечки пайтада барча оила аъзолари ваннада чўмилишгани, охирги бўлиб, соат 22.00 ларда хотини ювинганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, бу пайт-

да ўрнига ётиб, қаттиқ чарчагани сабабли дарҳол уйкуга кетган. Ярим кечада уйғониб кетиб, ваннахонанинг чироғи ёниқ эканлигини кўради. У ўрнидан туриб ўша томонга боради ва хотини бошини ваннадаги сувга тиқанча ўлиб ётганини кўради. О. Долим терговчига хотинининг анча пайтдан бўён тутқаноқ касали борлиги, агар хуруж қиласа, кўп ҳолларда ҳушидан кетиб қолганини маълум қилди.

Ҳаммаси тушунарлидек эди. Ишни низоясига етказиши учун шу кеча гўё вояга етмаган фарзандлари билан бир хонада ухлаган эрни сўроқ қилиш талаб этиларди, холос. Бироқ сўроқ якунидаги терговчининг хаёлидан аёлнинг ўлимида О. Долим айбдор, деган ўй ялтиб ўтди. Терговчи тўплаган материаллар бу тахмин ҳақиқатдан йироқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Бунда, биринчидан,

## Шу сонга хабар

## ХУШЁР МАҲАЛЛА ПОСБОНИ

10 ТОННА СЕЛИТРАНИ  
АСРАБ ҚОЛДИ

**Ж**иззах вилояти Арнасой туманинага "Самарқанд" агрехизмат кўрсатиши маркази худудида пайдо бўлган "КамАЗ" русумли юк автомашинаси маҳалла посбони Раим Мамадиевда шубҳа уйғотди. Бу ҳақда тезда профилактика инспектори, милиция лейтенанти Тошқул Алимовга хабар берди.

Вилоят ИИБ ЙХХБ ЙПХ отряди сардори, милиция капитани Рустам Шарифуллаев бошчилигидаги "Тутиш" тадбири ишлаб чиқилди. Туман худудидаги барча блок-постлар огохлантирилди. "Тутиш" тадбирини амалга ошириш учун тузилган иккита гурӯх автомашина юриши мумкин бўлган йўлларни назоратга олди.

Тонг саҳар. Атроф энди ёришиб келаётган пайтда Қозоғистон Республикасига ўтиш йўлида "КамАЗ" русумли автомашина пайдо бўлди. Унинг юришидан оғир юк ортилгани билинади. Машина масканга яқинлашиб келгандага ЙПХ ходими тўхташ ҳақида ишора қилди. Бироқ ҳайдовчи машинанинг тезлигини оширганча физиллаб ўтиб кетди. Автомашинасида юкнинг устига ёпилган брезент шамолда очилиб кетди ва селитра солинган қоплар яққол кўринди. Коидабузарни кувиш бошланди. Аввалдан тузилган режада машинанинг қайси йўлдан бориши тахмин қилиниб, тузоқ кўйилганди. ЙПХ катта инспектори, милиция капитани Эркин Ражабов худудни яхши билгани чукур зовур, иккинчи томони бетон нов ўтган йўлга бурилганда ЙПХ инспектори хушёр тортиди. Чунки бу жойда йўл торайиб бориб, далага туташганди. Айни далага чиқиш жойида омочли ҳайдов трактори кўйилган. Ҳайдовчи Ю. Бердиёр ғалласи ўриб олинган пайкал орқали ўтиб, яна катта йўлга чиқиб олишни мўлжаллаганди. Машина тор йўлда тракторга яқин жойда тўхтади, орта бурилишнинг эса иложи йўк...

— Машинада ҳайдовчидан ташкари яна уч киши бўлиб, бирортасида шахсни тасдиқловчи ҳужжат йўк эди, — деди Э. Ражабов. — Автомашина юкланган селитра ҳам ноқонуний равишда олиб кетилаётгани аниланди. Улар 10 тонна минерал ўғитни Қозоғистонга ўтказишга уринишгани маълум бўлди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

терговчининг шунга ўхшаш ҳодисалар ҳақида етарли билimga эга эканлиги қўл келди. Иккинчидан, сўроқ пайтида О. Долим терговчи эътиборни хотинининг тутқаноги бўлгани ва хуруж қилганда бўйини үқалаганига ҳеч қандай асоссиз бир неча марта жалб қилишга уринди.

Жасад ёриб кўрилганда терговчининг ички сезгисига таяниб берган хуласаси тўғри эканлиги тасдиқланди. Жабрланувчининг боши ва бўйнидаги нозик қон томирлари конталаш бўлиб қолгани маълум бўлди. Суд-тибий экспертиза хуласасига кўра улар үқалаш натижасида пайдо бўлиши мумкин эмасди. Қилмиши фош этилган О. Долим қилган жиноятини бўйнига олишдан бошқа чора топа олмади.

Исбот-далилларни тўплаш, уларга холисона баҳо бериш, ягона мантиқий занжир ҳосил қилиш терговчидан маҳорат талаб этади. Жиноятнинг очилишида ҳар бир исбот-далил катта кучга эга эканлигини унутмаслик лозим. Тергов давомида ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун улардан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Фоур МАВЛОНОВ,  
милиция капитани.

## САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

**Болалигимиздан ҳамма мазали егулик ҳам фойдали бўлавермайди, деб қулогимизга қўйишади.** Масалан, чиройли қадоқланган сунъий ширинликларни ёки эскирган маҳсулотларни истеъмол қилганимизда соғлигимизга зиён етказамиз. Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда турли касалликлар кўпайиб кетди. Ўлардан сақланишининг ягона йўли соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, демакки табиий овқатланишидир.

**АНАБОЛИЗМ ВА КАТАБОЛИЗМ**

Маълумки, бизнинг вужудимиз, танамиздаги хужайралар овқат ҳисобига яшайди, ривожланади, кўпаяди. Тасаввур қилинг: қонимизда ҳар сонияда 7 миллион эритроцитлар (қизил қон таначлари) "ўлади", яъни нобуд бўлади. Демак камиди шунча эритроцит пайдо бўлиши, "туғилиши" ҳам керак. Бу жараёнлар – яралиш (анаболизм) ва бузилиш (кatabолизм) узлуксиз давом этади. Ана шу икки жараён ўзаро мувозанатда бўлар экан, организм ривожланади. Бунинг учун эса янги хужайралар пайдо бўлишида "курилиш материали", "хомашё" вазифасини ўтовчи озиқовқат маҳсулотлари сифатли бўлиши муҳимdir.

**ЭХТИЁЖ ЁШГА БОҒЛИҚ**

Болалик ва ёшлик палласида организмда яралиш жараёни бузилиш, емирилишдан устун бўлади. Шунинг учун ҳам организм ўсади, улғяди. Етуклик ёшида бу жараёнларнинг ўзаро мувозанати юзага келади. Кёксалик чоғида эса емирилиш кучаяди. Аммо бу кўп ейиш керак, дегани эмас. Аксинча, қарияларнинг иштаҳаси пасаяди. Айниқса, серёғ, оқсилга бой овқатларни кўнгиллари тусамайди. Чунки кекса киши кам қувват сарфлайди, қолаверса, юқоридаги таомларнинг ҳажми оғир. Шунинг учун ёши ўтган одамлар дармондорилар ва микроэлементларга бой овқат тановул қилиши лозим. Аммо ҳар қандай ёшда ҳам оч юриш ёки номига овқатланиш саломатлик учун зиёндир. Озиқ-овқат маҳсулотлари сара, сарҳил, эскиргмаган, мазали пиширилган бўлиши керак. Бундан ташқари киши меъёрини билгани яхши.

**ҚАЧОН ВА ҚАНЧА ОВҚАТ ЕЙИШ КЕРАК?**

Бу саволга турли замонларда турлича жавоб беришган. Масалан, Ўртаер денгизи мамлакатларида минг йиллар давомида кунига бир марта – кундузги юмушлар тугагач овқатланиш қоида тусига кирганди. Бу кечки овқат оғир меҳнатдан кейин гёй мукофот саналарди.

Европада XIV–XVIII асрларда "Соат 6 да тур, 10 да тушлик қил, 18 да кечки овқатни егин, 22 да ухлашга ёт" қоидасига амал қилишарди. Жуда соғлом ва оқил ҳисобланган қадимги юнонлар эса кунига икки марта овқатланишган. Гебрид ороллари, Хиндистон халқлари, қадимги славянлар ҳам юнонлардан ўрнак олишган.

Ҳамма замонлар ва маконларда барча бадавлат одамлар меъёридан кўп овқатланишган. Бунинг зиёни борлигини яхши тушунишгани учун кейин қайт қилирувчи воситалардан фойдаланишган. Масалан, Хитой императори саройида зиёфат чоғида дастурхон устига юзлаб (!) таомлар қатори қайт қилишга ёрдам берувчи бамбук таёқчалари ҳам кўйилган.

XIX аср ўрталаридан эътиборан бутун Европада, жумладан Россиядаги ҳам уч марта овқатланиш тартибига ўтилади. Аммо киши уйғонганидан кейин камиди 4 соат ўтгач нонушта қилиши керак бўлган.

**СЕМИЗЛИК ҲАМ КАСАЛЛИК**

Мутахассислар суткасига 3-4 марта овқатланиши маслаҳат беришади. Ҳозирги замон кишиси кам жисмоний ҳаракат қилишини ҳисобга олсан, бу семиришга олиб келиши аён. Буни биринчи бўлиб авиация компанияларининг ходимлари пайқашди. Сабаби, йўловчиларнинг вазни сўнгги йилларда ўртacha 20-25 кг ошиди.

Қатъий анъаналарга амал қилинувчи Англияда "Бел қанчалик ингичка бўлса, умр шунча узун бўлади" деган нақл бор. Аммо бу мамлакатда ҳам семизлар сони ошиб боряпти. Айниқса, АҚШ, Норвегия, Финляндия ва Германияда уларни кўплаб учратиш мумкин.

Семизлик қандли диабет, миокард инфаркт, юрак қон томирлари ва мия атеросклерози, ўт пуфагида тош пайдо бўлиши каби касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозир айнан шу хасталиклар кўплаб одамларни ҳаётдан олиб кетяпти.


**БОЛАЛИКДАГИ ОДАТ**

Меъёридан ортиқ овқатланиш одати кишида болаликдан пайдо бўлади. Негадир аксар отоналар фарзандларини бўкиб овқатланишга мажбурлашади. "Буни онанг учун, бунисини отанг учун, энди бувижонинг учун егин" дея болаларининг оғзига луқма тиқаверишади.

Маълумки, болаликда ортирилган одатдан возкешиж жуда қийин. Бу заарли одат кейинроқ турли хасталикларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

**ТАБИАТГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ!**

Агар киши соғлом бўлса, ортиқча вазндан азият чекмаса, кўп ҳаракат қилса, овқатланиш борасида очлик сезгисига қулоқ тутиши лозим. Чунки очлик – организмимида овқат кераклигидан дарак берувчи табиат овозидир. Мажбуран овқатланиш эса ҳазм аъзолари иш фаолиятининг бузилишига олиб келади.

**ЗАРАРЛИ ЕГУЛИКДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!**

Дейлик хасталанганда, қаттиқ чарчаганда ёки асабийлашганда кишининг иштаҳаси йўқолади. Ўшанда ҳам аввал асабни тинчлантириб, чарчоқни бироз ёзиб, кейин овқатланиш керак. Бўлмаса еган овқатингиз, образли қилиб айтганда заҳарга айланади.

**ҲАЗМ ҚИЛИШ УЧУН ҚУВВАТ КЕРАК**

Овқат ҳазм қилиш учун организм катта қувват сарфлайди. Бу жараёнда ҳазм аъзоларининг қон томирлари кенгайиб, кўп микдорда қон қуилади. Шунинг учун бошқа аъзоларнинг қон билан таъминланиши камаяди.

Юқорида айтганимиздек, ҳазм қилиш жараёнида қувват сарфланади. Шунинг учун овқатлангандан сўнг киши ўзида хиёл чарчоқ, хориш, лоҳаслик ҳис қиласди. Касаллик ёки стресслардан сўнг озигина озганингиздан ҳеч ҳам хавотирланманг. Соғайганингиздан сўнг иштаҳангиз кучайиб, тез орада асл ҳолингизга қайтасиз. Эсингизда бўлсин, бўкиб овқатлангандан оч қолган афзал.

**ТАБИИЙСИГА НИМА ЕТСИН**

Тўғри, соғ-саломат бўлиш учун яхши овқатланиш керак. Аммо сўнгги пайтларда мазали бўлишига қарамай, соғлиқ учун заарли озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиб кетди. Тайёр, ярим тайёр егуликлар ишлаб чиқарувчилар яхшигина фойда кўришияти. Фақат ҳеч қандай шоколадлар, чипсилар сарҳил мева ва сабзавотлар ўрнини боса олмайди. Ҳеч қандай тайёр ёки ярим тайёр шўрвалар, бульонлар ҳафсала билан тайёрланган ҳақиқий шўрвага тенг келолмайди. Музлатилган котлетлар ҳам янги тайёрлангани олдидан ўтаверсин. Ҳа, уй бекалари иштиёқ билан пиширган таомга нима етсинг!

Шунинг учун консерва маҳсулотларини камроқ истеъмол қилинг. Туз, шакарнинг ҳам фойдаси камроқ, хусусан болалар ва кексаларга.

Ҳозир ёз, тўкин-сочинлик. Шунинг учун ҳар куни дастурхонингиздан сарҳил, мева-сабзавотлар аримасин. Яна бир гап – маҳаллий шароитларда етиштирилганлари фойдалироқ. Ҳар нарсанинг табиийси яхши.

## Жиноятга жазо муқаррар!

**X**ивалик Сирожиддин ака (исмлар ўзгартырылған) янги түшгән келини Сожиданинг камгаллиги, мәхнатсеварлығынан шодлабиң юрган күнларининг бирида күчә эшикни кимдир зарда билан ура бошлади. Сүрида ёнбошлаб, чой ичаёттән Сирожиддин ака эшикни очишга шошилди.

Ташқарыда 30-35 ёшлар атрофидаги нотаниш аёл турарди.

- Келинг синглим, қани, уйга кириң, - деди.

- Раҳмат. Күшкүпирдан келин бўлиб түшгән Сожидахон шу ерда турадиларми? Тўғри топиб келдими?

- Тўғри топиб келдингиз, Мен Сожидахоннинг қайнотаси бўламан, сиз қариндошимисиз? - деб сўради Сирожиддин ака.

- У билан қариндош бўлишдан худо арасин. "Тўйгача сабр қилинг, кейин бир ҳафта ўтмасдан ҳамма қарзларимдан кутила-ман" деганига ҳам, мана, йигир-

Кўшимча даромад у ёқда тур-син ўз пулларини ҳам ундириб ололмаслигини сезган аёллар Сожиданинг устидан тегишли идораларга ара қилишди. Хива тумани прокуратуроси арзномани атрофича ўрганиб чиқиб, Сожидани қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сожиданинг ота-онаси қизлари қамалиб кетишидан кўркиб, бир умр мәхнат қилиб топган пуллари эвазига курган уйларини сотиб, Сожиданинг қарзларидан кутилдилар. Ўзлари эса Урганч шаҳрига кўчиб келиб, иккى хонали уйда ижа-рада яшай бошлаши.

Жиноят ишлари бўйича Хива туман суди Сожиданинг қилмишидан пушмаймонлиги, ҳомиладорлиги, етказилган заарнинг қопланганлигини хисобга олиб, уни жазодан озод қилди.

Сожиданинг отаси "Хива-Урганч" йуналиши бўйлаб автобус ҳайдарди. Онаси Мавлуда эса

ри, яқинларидан қарз олиб, Россиянинг Краснодар шаҳрига жўнаб кетди. У ерда минг бир азобда дуч келган ишларни ба-жарип, мардкорлик қилиб, ебичаридан оргтан пулларни хоти-ни жўнатиб турди.

Бу орада қизи Сожиданинг ой-куни етиб ўғил кўрди. Кўлини боғлаб турган "юқ"дан кутулгач у, яна аввалги "амали"ни бошлаб юборди...

Иккита сумқадаги юкни зўрга кўтариб келаётган нозиккина қиз Сожиданинг эътиборини тортидди. Тўғрироги, бўйнидаги кўша-кўша тилла тақинчоқлар, бармоғидаги олтин узуклар нафсини китиқлади.

Сожида унга яқинлашиб, гўё ачингандай:

- Вой бечорагина, шунча юкни кўтариб жонингизни қийнаб кўйибсиз-ку? Келинг ёрдамлашиб юбораман, менинг ҳам йўлим шу тарафда, - деди.

Бундай меҳрибончиликдан

Сожида Наргизаларнидан чиқиб, уйқу дори топди-да уйига кетди. Эртаси куни соат ўн бирларда "дугона"сига сим қоқди.

Наргиза гўшакни олиши ҳамон Сожида кувноқлик билан сўз бошлади.

- Алло, Наргизахон, тайёрмисиз?

Наргизадан тасдиқ жавобини олган Сожида "йигит бизни соат 13.00 да Шовот канали бўйида кутадиган бўлди, чиқиб келавенинг, уйни биласиз," - деди.

Ёзинг жазира маисида чўлланган Наргиза уйга кириши билан:

- Куриб кетсан, бунча иссиқ бўлмаса? Чанқаб кетдим, - деди Сожида.

Сожида аввалдан тайёрлаб кўйган дорили сувни кўшкўллаб келинчакдек ясаниб олган Наргизага тутқазди...

Шовот каналига яқинлашган сари уйқу дори ўз кучини кўрсатиб, Наргизанинг боши айланда бошлади.

# ПАРОКАНДА БЎЛГАН ОИЛА



ма кун бўлди. Лекин ҳалигача ундан дарак йўқ. Чакиринг келинингизни, қарзларини тўласин.

Нотаниш аёлнинг бақириб сўзлаши қўшиларининг эътиборини тортаётганидан хижолат бўлган Сирожиддин ака:

- Келинимнинг қанча қарзи бор? - деди.

- Хотамтойга ўхшайсиз, почча, агар келинингизниң қамалишини истамасангиз нақд уч миллион сўмни санаб беринг-да қайноталик гаштини суреверинг.

Үмри давомида бунча пулни қўлига ушламаган Сирожиддин ака эшик олдиаги ўриндиқа ўтириб қолди.

Камсукум, саранжом-саришта, мәхнатсевар келин бир эмас, бир неча аёллардан устами ҳақ бериш шарти билан пул, тилла тақинчоқлар олиб, кейинчалик терговда шахси аниқланмаган туркманистонлик Ойгул исмли аёлга тенг фойдасига иккى ойда қайтариб бериш шарти билан қарз бериб, ўзи ҳам чув тушиб қолган экан.

Ҳамма ҳангома шундан кейин бошланди. "Тазий"лардан без-ган Сирожиддин ака ўзининг ҳам изтироб чекаётганини кўриб, келинини отасини кига жўнатиб юборишдан бошқа чора тополмади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаси Фаллаорол тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Мамадали МУҚУМОВнинг вафот этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Кашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаси вилоят ИИБ ЙХХБ ЙПХ батальони инспектор-кинологи, милиция катта сержантини Ҳамза Қадировнига ўтириб, Краснодар шаҳар суди томонидан 6 йилга озодлиқдан маҳрум килинибди...

Сожидахон, нимагадир ўзимни бехузур сезяпман, - деди у.

- Ҳаяжондан бу, опажон, мен ҳам биринчи марта учрашувга чиққанимда шундай бўлганман. Юринг, сув бўйида бироз ўтирасак, ўтиб кетади. Унгача поччам ҳам келиб қолса ажабмас, - деганича Сожида қизни сув бўйига етаклади.

Наргиза уйга етиб боргач, фамхўрлиги учун Сожидаги миннатдорчилик билдириб, уни икарига киришга унади. Аммо Сожида кўнмай яна тилёгламаликка ўтди.

- Рахмат, опажон уйга кириш бўлса қочмас. Мана, "опа-сингил" ҳам бўлиб олдик. Насиб қиласа ҳали ўйларингизга кўп келаман, сиз бизнисига борасиз, - дейа Сожида хайрлашар экан, телефон рақамини ёзиб олишини унтаиди.

Сожида пухта режа асосида Наргизанинг тилла тақинчоқларини ўзиники қилишни ўйларди. Гоҳ телефонда гаплашиб, гоҳ уйга бориб, ишонувчан қизининг сирдош дугонасига айланган Сожида бир куни унинг кўнглигига кўл солиб кўрди.

- Менинг бир танишим бор, ўзи яхши йигит, хотини ўлгандан бўён ҳайҳотдай уйда ўғли иккаласи яшаб юриди, - деди у. - Сизга ўшшаган бир оқила қиз бўлса, ўғлини фарзандидек кўриб, оналии қиласа, уйланишини бир неча марта айтган. "Йўқ" демасангиз шу йигит билан сизни танишириб кўйман.

Бахти очилишини интизорлик билан кутиб юрган Наргиза "йигит" билан танишишига розилик билдири.

Иши осонгина битган Сожида:

- Тайёрланиб ўтиринг, тилла тақинчоқларингизни тақиб, келинчаклардек ясаниб олинг, шу бугуноқ шалдириб аравангизни топширингда Россияяга кетиш тараддудини кўринг!
- Хотинининг дийдилаидан чарчаган Бахтиёр ака ноилож ишидан бўшаб, таниш-билишла-

Хоразм вилоятиниң ҳамигири Азимбой ҚУРБАНИЯЗОВ, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоятиниң ҳамигири.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Карши шаҳар ИИБ томонидан 1963 йилда туғилган Сохиба Ҳакимовна САЛОМОВА кидирилмоқда. Карши шаҳар Чармгар кўчаси 41-йда яшаган. 1998 йил 18 август куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи: 165-170 см, тўла-дан келган, юзи чўзиқроқ, сочи қора, қошлари қора, ёйсимон, кўзлари қора, лаблари қалин.

С. Саломовани кўрган ёки қаерда-лигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёхуд Қарши шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Қиброй тума-ни ИИБ томонидан жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрга-ни учун куйидаги шахслар киди-рилмоқда:

Бахром Эрга-шевич БУВАЕВ. 1975 йилда туғилган, Осиё миллитига мансуб, Қиброй тумани Салар шаҳараси Гулистон кўчаси 35-йда яшаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, ок-сариқдан келган, юзи чўзиқчоқ, кўзи жигарранг, сочи қора калта, қоши қора ёйсимон, бурни ва кулоклари ўртacha.

Клара Мамара-ковна ДЖУМА-ЛИЕВА. 1963 йилда туғилган, қозоқ миллитига мансуб, Оққўрон тумани Охунбоевномли ҳамоа хўжалигига яшаган.



Белгилари: бўйи 155-165 см, ўртача гавдали, сочи қора, кўзи қора, бурни тўғри катта, қоши кенг, лаби қалин, кўзи, кулоклари катта.

Азларходжа Ўткирович ТАШХОДЖАЕВ. 1975 йилда туғилган, миллити ўзбек, Қиброй тумани Байтқўрон қишлоқ фуқаролар йигини Соҳибкор кўчаси 108-йда яшаган.




Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқчоқ, қоши қора, кўзлари қора, лаби ўртача қалинликда.

Улугбек Каримович ШАРИПОВ. 1970 йилда туғилган, миллити ўзбек, Қиброй тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йигини З. Абдуқодиров кўчаси З-йда яшаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, тўладан келган, юзи чўзиқчоқ, сочи қора калта, лаби қалин, қоши ёйсимон қора рангда, бурни тўғри, кулоклари ўртача.

Джурабой Ка-римович САЛИМ-БОЕВ. 1961 йилда туғилган, миллити тоҷик, Қиброй тумани Май қишлоқ фуқаролар йигини Турсунзода кўчаси, 25-йда яшаган.




Белгилари: бўйи 170-175 см, тўладан келган, юзи чўзиқчоқ, сочи қалин қора, қоши ёйсимон қалин, кўзи қора, лаби қалин, бурни калта.

Юқорида исм-шарифлари келтирилган шахсларни кўрган-билинглар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.

**Китоб жавонингизга****ҲАМКАСБИМИЗНИНГ  
ЯНГИ КИТОБИ**

Бугунги кунда бутун дунёдаги муаммолар глобаллашгани каби жиноят оламининг манфур кирдикорлари бутун инсониятни ларзага солмоқда. Жиноятларниң шундай тури пайдо бўлдики, у бугун ахли олам қисматига даҳлдордир. Унга қарши кураш ҳам бугун хусусийликдан умумийликка қараб юз бурди ёхуд бир шахсдан бутун бир давлатлар ҳамкорлигига курашиши даврнинг ўзи талаб қила бошлади. Гиёҳвандлик иллати ер қитъасини чирмовуқдек чирмаси, ОИТСнинг миллионлаб одамларниң умрига зомин бўлаётганлиги, энг даҳшатлиси, халқаро терроризм туфайли осмонўлар бинолару кўп қаватли уйларнинг култепага айланиши инсониятни ҳар лаҳза ҳушёрикка чорламоқда.

Осоишталик – бебаҳо нөймат эканлигининг бот-бот тақрорла наётганлиги ҳам бежиз эмас. Мудхиҳ жиноятлар олди олинса, осоишталик ўрнатилса, фуқароларнинг яшаш тарзи яхшиланса, бундан аъло ишнинг ўзи йўқ. Ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари ана шу эзгу йўлда мардановор курашиб келаётганлиги сир эмас. Уларнинг шонли йўли ҳақида қанчадан-қанча асарлар битилмоқда. Ёзувчи ва шоир Ўрз Ҳайдар узоқ йиллардан бери ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. Қатор-қатор тўпламлари нашр этилган. У ўзининг тажрибаларидан келиб чиқиб, иккى қисмдан иборат "Талваса" романини ёзиб тутатди. Республика телевидениеси ва республика Ички ишлар вазириги ҳамкорлигига шу роман асосида кўп қисмли видеофильм яратиди ва ойна жаҳонда намоиш қилинди.

**ЦИЛЛОЖРОССВОРД**

1. Қоровул кузатувчи жой. 2. Илм соҳиби. 3. Ўзбек қомусий олими. 4. Бирор кимса ёки нарса билан банд бўлмаган, бўш. 5. Эстрада гурухи. 6. Ёзув қатори. 7. Мактуб. 8. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 9. Гул. 10. Пайт. 11. "Том Сойернинг бошидан кечирганлари" асари муаллифи. 12. Мурғоб дарёси воҳасидаги тарихий шаҳар. 13. Европадаги пойтахт. 14. Ўғирнинг шевадаги атамаси. 15. Куш. 16. Инерт газ. 17. Сув билан уралган қуруқлик. 18. Саноатда ишлатиладиган газ. 19. Каспий бўйидаги пойтахт. 20. Дурадгорлик маҳсули, жиҳоз. 21. Зурриёт. 22. Жанубий Америка давлати пойтахти. 23. "Кеча ва кундуз" романни қаҳрамони. 24. Француз композитори. 25. Кекса.

Ф. ОРИПОВ тузди.

**ЎТГАН СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ  
ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: Шакаржонов. 2. Олой. 3. Омад. 4. Ун. 5. Ҳомий. 6. Номзод. 7. Қалқон. 8. Амр. 9. Анқо. 10. Атом. 11. Мадад. 12. Этан. 13. Араби. 14. Ҳол. 15. Қарор. 16. Йилки. 17. Вижон. 18. Баҳя. 19. Шанба. 20. Мактаб.

БҮЙИГА: 1. "Шоҳнома". 2. Киш. 3. Алоқа. 4. Арава. 5. Мандарин. 6. Айил. 7. Або. 8. Рай. 9. Қодир. 10. "Жонон". 11. Эҳром. 12. Омонат. 13. Ойна. 14. Намат. 15. Али. 16. Моне. 17. Лат. 18. Ор. 19. Машк. 20. Индустря.


КРИПТОГРАММА: Оқибат-умр лаззати. (Хикмат).

**«Постда» анкетаси****ГАЗЕТА ҲАҚИДА  
ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ?**

Газетамизга нисбатан бе-фарқ бўлмаган ўкувчиларимиз имкон топиб, кимматли вактларини аямай, қуида берилаётган саволларимизга жавоб йўллайдилар деган умиддамиз. Зоро, муштариғ фикри биз – таҳририят ходимлари учун жуда муҳим ва зарурдир. Газетамиз қай жиҳати билан ўкувчини ўзига ром этди (ёки этолмади), қайси материаллар ёқди (ёки ёқмади), яна қандай мавзуларда чиқишилар килишимиз керак, буларнинг барчаси ушбу саволларга берилган жавобларда ўз аксини топади. Яқин кунлар ичida газетамиз 24 саҳифада чоп этилишини инобатга оладиган бўлсак, сиз азиз муштариғларимизнинг фикри биз учун кейинги режаларимизни белгилаб олишда жуда аскотади.

1. "Постда" газетасини неча йилдан бери мутолаа қиласиз? Ушбу нашр билан илк бор қандай вазиятда танишгансиз?
2. Газетани қандай йўл билан оласиз: обуна бўласизми, сотиб оласизми ёки танишлардан олиб ўқисизми?
3. Сизнингча "Постда" газетаси бошқа нашрлардан қайси томонлари билан фарқланади?
4. Кейинги бир-икки йил ичida газетада муйайн ўзгоришлар сезилдими?
5. Газетада ёритилаётган мақолаларнинг қайси туркумини мунтазам мутолаа қилиб борасиз?
  - публицистика;
  - ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, ҳабарлар, янгиликлар, ташабbuslar;
  - ички ишлар ходимларининг фаолияти ва ўқуби ҳакидаги мақолалар;

6. "Постда" газетаси сиз хизмат килаётган бўлинмода муҳокама қилинадими? Умуман, газета доирасида қандай ишлар амалга оширилади?
  - жисмоний тарбия ва спорт.
7. Сизнинг назарингизда газета ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қай даражада ёрити бораати?
8. Эслаб кўринг-чи, сизга кейинги пайтда газетада ёритилган қайси мақо-



ла кўпроқ маъқул бўлди ва аксинча улардан қайси бири ёқмади?

9. "Постда" газетасига бирор масала юзасидан ёки мақола ёзиб мурожаат қилинмисиз?

10. Газетамизнинг ранг-баранг ва ўқимишли чиқиши учун яна қандай мавзуларга мурожаат қилишимизни лозим деб ўйлайсиз?

**Жавобларингиз учун раҳмат!**

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI IV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rnbosari  
Erkin  
SATTOROV

Mas'ul kotib  
Rahmatilla  
BERDIYEV

Navbatchi  
Qobiljon  
SHOKIROV

Sahifalovchi  
Zokir  
BOLTAYEV

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rnbosari 139-77-23.  
Kotibiyat 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi  
59-27-15, 59-20-05.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmyd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT  
AGENTLIGIDA Q07 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN  
Buyurtma J-000367.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan  
olinganligini ko'rsatish shart  
● Muallifning mulohazasi tahririyat  
fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar,  
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi  
uchun mualliflar javobgardirlar.  
● Qo'lyozmalar tahli qilinmaydi  
va qaytarilmaydi.

Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.  
51 925 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaming payshanba  
kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqt — 20.00.  
Bosishga topshirish — 20.00.

Toshkent matbaa  
kombinatida chop etildi.  
Korxona maszili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

N — Internet va xorijiy  
matbuot vositalari asosida  
tayyorlandi.